

Дилфуза Қосимова

*Бир ғүзал
ёниш...*



УЎК 821.512.133-1

КБК -84-5(5Ў36)

Д 51

Қосимова, Дилфуза. Бир гўзал ёниш. [Матн]:
шеърлар/ Д. Қосимова.

- Урганч: “Огаҳий” нашриёт-матбаа, 2021 йил.
164 б.

Муҳтарам китобхонлар!

*Қўлингиздаги мазкур тўплам муаллифини сиз
яхши танийсиз. Қўқонлик ижодкор Дилфуза
Қосимованинг “Ўн саккизга тўлган қиз” номли
китоби нашр этилиб, китобхонлар қалбидан жой
олиб улгурган. Унинг навбатдаги ижодий
гулдастаси ҳам сизга мунтазир.*

*“Бир гўзал ёниш” номли ушбу китоб сизларга
манзур бўлади деган умиддамиз.*

ISBN 978-9943-7442-0-2

© Дилфуза Қосимова, “Бир гўзал ёниш...”

© “Огаҳий” нашриёт-матбаа, 2021

ОРЗУМАНД КҰНГИЛ ШЕЪРЛАРИ

Шеърларингиз менда яхши таассурот қолдирди. Уларда оламни мусаффо, гўзал кўришга орзуманд кўнгил кўриниб турибди.

“Юрагимни бинафшага бергим келди”, “Йиртилган капалак қанотларидек”, “Гул исмига тўлиб кетди деразангиз”, “Энг гўзал сирымдан вокиф бўлар гул”, “Гул иси анқиган ёмғирларимдан...” сингари тоза ифодалар, ташбеҳлар ўқувчи шуурига ёруғлик, тиниқлик бахш этади. Умуман, менга тиниқ, ўтли, равон ва фавқулодда хулосаларга эга шеърлар кўпроқ ёқади.

“Шеърларимни танкидий таҳлил қилсангиз”, дебсиз. Назаримда, шоирлар икки тоифага бўлинади:

- 1) ўз камчиликларини яхши ҳис қиладиган шоирлар;
- 2) ўз нуқсонларини англамайдиган, кўрмайдиган қаламкашлар.

Биринчи тоифага танкид, маслаҳат шарт эмас, чунки улар ўзларининг заиф томонларини бошқалардан кўра чуқурроқ билишади. Иккинчи тоифага эса танкид қилиш ва маслаҳат беришнинг фойдаси йўқ: сабаби – улар ё тан олишмайди ёки гапнинг моҳиятига етиб боришолмайди.

Сиз биринчи тоифага мансуб ижодкорсиз. Демакки, ортиқча гап-сўзга ҳожат йўқ...

Фикримча, ҳар бир шеър – қоронғуда ёниб турган чирокдай бўлиши лозим. Ундан ёруғлик, иссиқлик таралиб туриши керак. Бу чирокнинг ёкилғиси, қувват манбаи – ёниқ ва тиниқ туйғу, ўткир фикрдир. Токи туйғу мужмал, фикр тарқоқ экан, шеър хира, мисралар чувалган, жозибасиз бўлади. Шунинг учун кўнгилда ёниқ туйғу, фавқулодда фикр пайдо бўлмаса, шеър ёзмаган маъқул. Ёзсангиз ҳам, сезасизки, унда ўзингиз истаган тафти, жон бўлмайди...

Сўзимнинг сўнгида шеърларингизни менга жўнатиб, фикрим билан қизиққанингиз учун миннатдорлик билдираман. Янги ва яхши шеърлар ёзишингизга тилақдошман!

Ҳурмат билан Нодир Жонузоқ
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир
2011 йилнинг 20 декабри



СИЗНИ СОҒИНИШНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Сиз деб ўксинмаган битта куним йўқ,
Сиз деб йиғлолмасам, қандок куламан?
Сизсиз менинг оппоқ атиргулим йўқ,
Сизни соғинишни яхши кўраман.

Сиз деб тўкилмаса, менинг кўнглим йўқ,
Йўкса, бу дунёда нима қиламан?
Сиз бор -бағрим бутун, сиз бор -кўнглим тўқ,
Сизни соғинишни яхши кўраман.

Йиллар юрагимга кўмиб кетар дард,
Очсам, бу дардлардан куйиб ўламан.
Сизни соғинишнинг ўзи катта бахт,
Сизни соғинишни яхши кўраман.



Шамоллар эртагин кутдим эринмай,
Юлдузлар кафтимга тушди, ёнмадим.
Минг бора чиранмай, минг бор уринмай,
Соялар ортидан чопа олмадим.

Ҳайрат қоялари нақадар чексиз,
Сабр уммонида оқа олмадим.
Боримни йўқ қилиб ташлади денгиз,
Йўқотган қадримни топа олмадим.

Кел, дея чорлади осмоннинг шоҳи,
Ҳаёт, қўлларингдан ўпа олмадим.
Кафтингни тўлдирди гуноҳим ҳоки,
Айбимни сир билан ёпа олмадим.



Сабрнинг косаси бўлади чил-чил,
Рухинг кўтаради эски дардларни.
Инкор этолмайсан, дўст, шуни билгил,
Кўнглингга ёзилган ҳақиқатларни.

Тегрангда оловдай ўрлайди исён,
Симобдай қуйилар жонга дардлари.
Инкор этолмайсан, эй, дўсти - нодон,
Кўзингга беркинган ҳақиқатларни.

Қасамлар ичасан ишқнинг ҳақкига,
Жонингга юкинар яшаш шартлари.
Кўмиб ташлолмайсан тупрок қатига,
Изингга тўкилган ҳақиқатларни.

Ўзингдан кетар-у, ўзингга қайтар,
Саволларга тўла ҳаёт қайдлари.
Ўзингдан олар-у, ўзингга отар,
Умр ўша қадим ҳақиқатларни.

Афсона бўлади афсунгар йиллар,
Қалбингни илитар умид тафтлари.
Гурур қабосини эгнингдан олар,
Сени мағлуб қилган ҳақиқатларим.



Такдиримга шунчалар туташ,
Такдиримга шунчалар ўхшаш,
Такдиримдек танҳо ва яккаш,
Йўлни тилаб олдим Худодан.

Кечгани-ю кечиргани дард,
Ҳарорати оловдан баланд,
Яратганга айтар саловат,
Дилни тилаб олдим Худодан.

Зарралари руҳимдан ўтар,
Саодати кўнглим илитар,
Икки олам юзим ёритар,
Нурни тилаб олдим Худодан.

Дош берар ишқ тўфонларига,
Садокатли иймонларига.
Ҳаё улфат ифторларига,
Гулни тилаб олдим Худодан.



Томчилардан гул бўлади осмоним,
Айрилиқда тиргак бўлар иймоним,
Санчимайман қалбингизга тиконим,
Қўлингизда атиргулга айлансам.

Майли, олов, оташ бўлсин ичганим,
Етмиш икки томиримда кечганим,
Ҳақдан менга ажр бўлиб тушганим,
Сизга томон борар йўлга айлансам.

Жоним ҳузур топар фақат зиёдан,
Жон безади беҳаловат дунёдан,
Илтижойим энди фақат Худодан,
Кўнглингизга тушган нурга айлансам.



ЮРАГИМГА РАҲМИНГИЗ КЕЛСИН

Унга на ой, юлдуз тегмаган,
Ҳилол каби бошин эгмаган.
Ўз қадрига ўзи етмаган,
Юрагимга раҳмингиз келсин.

Гул ифорин туяди туйса,
Бир инграниб қўяди куйса,
Кутгани бахт, ютгани ғусса,
Юрагимга раҳмингиз келсин.

Йиғлатмоқдан йиғламоқ осон,
Нархи арзон, ғурури осмон,
Талпингани муҳаббат, иймон,
Юрагимга раҳмингиз келсин.

Худойимнинг назари тушган,
Фаришталар, малаклар қучган,
Кечмишлари эртакка қўчган,
Юрагимга раҳмингиз келсин.



ЮРАГИ ДЕНГИЗМАН

Жисмимга юкиниб олди-ю хадик,
Ҳадикка суяниб оҳ тортди-ку жон.
Йиртилган капалак қанотларидек,
Шунчалар ожизман, ожиз, Художон!

Нетайин, муҳаббат шу қадар танқис,
Нетайин, ҳокимдир қаҳр отлиғ шон.
Мендан муҳаббатин қизғанмаганга,
Юраги денгизман, денгиз, Художон!

Тошқин йиллар мени мўлжалга олди,
Олов исёнларга чап бердим осон.
Охир, хотиралар кўшида ёндим,
Шунчалар ёлғизман, ёлғиз, Художон!

Гуноҳларим юки ортди-ку бирдан,
Уларни кўтармоқ бунчалар ёмон.
Юрагимга ўхшаш, туташ манзилдан,
Шунчалар олисман, олис, Художон!



Лахзаларим ёнар сукутда,
Бу жимжитлик ҳорғин ва совуқ.
Ой ҳам ожиз колар бир четда,
Бахтнинг осмонлари ёп – ёруғ.

Менга илҳақ ҳижрон илинжи,
Илинж шаклан ёвуз чирмовуқ.
Хузурида йўқолар тинчим.
Бахтнинг исёнлари -оловруҳ.

Бахтнинг учкунлари -мўъжиза,
Зарралари шаффоф ва илиқ.
Бахтнинг оҳанглари юксалса,
Юрагимда жон берар оғрик.



Мени тилаб олган
Худодан осмон.
Мени тилаб олган
Худодан замин.
Мени тилаб олган
Худодан шамол.
Мени тилаб олган
Худодан ёмғир.
Мен эса тилаб олганман
Кўнгилни Худодан.



Асрорларга кўмдим изимни,
Юрсам оёқ остим лаҳча чўғ.
Ёлғонлардан бурдим юзимни,
Ишқ, ростингдан буюк ростим йўқ.

Ҳеч ким билмас оламим мани,
Ҳасрат, қувонч, аламим мани.
Зарпечагим, ўланам мани,
Ишқ, дардингдан буюк дардим йўқ.

Дийдор ҳаққи бунчалар оғир,
Дийдор йўли тиканли тақдир,
Дил соғинчдан дийдор деб оғрир,
Ишқ, сендан-да буюк дўстим йўқ.

Худойимга эркалик қилсам,
Нетай, телба бўлсам, гўл бўлсам.
Ғуруримга суяниб ўлсам,
Ишқ, сендан-да буюк устун йўқ.



КЎНГЛИМ

Жавоби йўқ савол -кўнглим,
Муштипарим, увол -кўнглим.
Кечир мени, сенинг ҳақкинг -
Ўзга дилга тутган бўлсам.

Бир диёнат, бир хиёнат,
Бир маломат қилар ҳаёт.
Нима қилай, бу ҳаётга -
Кўп эркалик қилган бўлсам.

Қадр нархи кўкка туташ,
Дунё моли талаш- талаш,
Сийратлардан чиқиб оташ -
Юракка ўт кетган бўлса.

Ҳижрон тўйди жонимни еб,
Қочмоқликни кўрмадим эп,
Юлдузларга етаман, деб -
Катта бошим эгган бўлсам.

Бироз худбин, бироз кайсар,
Аразчирок юрагим бор.
Нима қилай, бу дард менга -
Бешиқданоқ теккан бўлса.



Таранглашиб боради буткул,
Тизгинини бўшатмайди вақт.
Мендан ҳатто меваси тугул,
Соясини қизғанар дарахт.

Тушиб музга айланар томчи,
Муз қасрига камалади шахд.
Кўксимдаги кўхна тиланчи,
Бахт сўрайди, бахт сўрайди, бахт.

Майсаларда жон берар шабнам,
Тирилмоққа онт ичади, онт.
Кун тиғида куйган хотирам,
Фақат кўкдан кутади нажот.

Борин гулга тўкади кўнгил,
Исмигулга айланар шу пайт.
Юрагимга босиб қўяр қўл,
Энг эски дард, энг кўхна дастхат-
Муҳаббат...



Сўнгги нафас елади бесас,
Аввалим-у охирларимда.
Ишқ ёмғири даво бўлади,
Куяётган томирларимга.

Сарнигун оғочлар бунда жим,
Раббимга саловот айтади.
Оловранг ғуссага тўла жон,
Бош узра оёққа қайтади.

Кўксимга бош урар сездирмай,
Ниятдан умидвор ҳаловат.
Меҳробга мўлтирар шом қадар,
Эгасига илҳақ ибодат.

Тупрокка туташар ғафлатнинг,
Жисмимни маст қилган алласи.
Кўксимда жон берар тонг маҳал,
Ғуссаранг гулларнинг нафаси.

Сўнгги нафас елади бесас,
Аввалим-у охирларимда...



Сенга кун туғса-ю, менга ой туғса,
Тўкилсам гул бўлиб бармоқларингдан.
Жонларга тиркалган армонлар синса,
Юрак эриб окса ирмоқларингда.

Сенга кун туғса-ю, менга ой туғса,
Рухимга нигоҳинг залвори инса.
Тўкилиб – тўкилиб тугамаса ишқ,
Кўнглим ўша ишққа сиғинса.

Сенга кун туғса-ю, менга ой туғса,
Англасам, юрагим бутунлигини.
Кўнглим йиллар соғинчидан овунса,
Йўқотиб қўймаса устунлигини.

Сенга кун туғса-ю, менга ой туғса,
Адашсам ҳам майли сўқмоқларингда.
Айланиб қолсайдим фақат бир лаҳза,
Умрингни энг гўзал сўроқларига.



Тушларимда фаришталар йўл бошлайди,
Худойимнинг ўзи кўкдан нур ташлайди,
Фаришта-ю зиё билан дил яшнайди,
Гул томчилар кипригимга кўчиб борар.

Кўнгил ташна нозмунчоғ-у зийнатларга,
Дош беради қанча-қанча миннатларга,
Осий жоним ишонса-да жаннатларга,
Қайғуларим кўзимдан сув ичиб борар.

Менга азиз келажаг-у ўтмишларим,
Бир-бирига уйғунлашар ўнг-тушларим.
Келиб-кетар хуш-у нохуш кечмишларим,
Икки қошим аросида кетиб борар.

Етти фалак тепасида устуним бор,
Чинор каби ёвкур, бағри бутуним бор,
Мен кўрмаган Бойчиборнинг дупури бор,
Юрагимнинг ич-ичидан ўтиб борар.



Гуноҳлар қўшилар гуноҳларимга,
Ёмғир бўлмоқликка қоникмайди дўл.
Кимдир игна санчар ёнокларимга,
Иккига бўлинар ўзагидан йўл.

Энг гўзал сиримдан вокиф бўлар гул,
Тавба юрагимга муҳр босади.
Тонг каби бокира, тонгдай тоза нур,
Кўнглим шифтларига шеърлар ёзади.

Оловранг ҳисларда гулдек ёнаман,
Биров эшитмайди овозларимни.
Шабнам бўсасига юзим чаяман,
Фақат гул англайди баёзларимни.

Бир кун гул бўламан, қўллар етмас гул,
Ҳаёт гуллаб ётар томирларимда.
Яна туташади икки айро йўл,
Гул иси анқиган ёмғирларимдан.



Осмонларга кўтариб учсам,
Ёдингизни, сийратингизни.
Ўтинаман, факат бир лахза,
Бериб тулинг юрагингизни.

Мен истаган манзиллар ёруғ,
Қадри баланд ўйларингизни.
Ўтинаман, шу нур ортига,
Асраб қўйинг юрагингизни.

Юрагингиз юрагим дарди,
Унда бордир бахтнинг суврати,
Юрагимни севганим каби,
Сиз ҳам севинг юрагингизни.

Сўраманг, барибир сизга бермайман,
Хайратимнинг рангин зарраларини.
Қўқон шамолининг бешигим узра,
Менга “ув”лаб айтган аллаларини.

Биламан, китобдай титиб чиқасиз,
Хотирамнинг зангор далаларини.
Сиз нима, дунёга бермайман хатто,
Қўнглимнинг дард еган кирраларини.

Мен сиздан излайин, сиздан топайин,
Сиздан ўрганай ишқ сураларини.
Сиз ҳам менга ўхшаб берманг ҳеч кимга,
Топганда иймоннинг шуълаларини.



Нигоҳим айбини кипригим ёпган,
Музлар эримасдан музлар офтобда.
Қадоқ қўлларингни атиргул ўпган,
Исингни изладим офтобшувокдан.

Тутганин қўймасдан оловдек кесар,
Олов каби чайир, оловдек дангал,
Оловдек зардали, оловдек қайсар,
Ҳиссингни изладим, офтобшувокдан.

Кузранг ғуссалардан жоним “уҳ”лайди,
Ювмоққа ёмғирнинг сиғмайди хадди,
Кўнглимнинг ҳаққийди, кўнглимнинг ҳаққи,
Изингни изладим офтобшувокдан.

Шамолга айтгани сўзим қолмади,
Ростин айтавериб юзим қолмади,
Дардим гуллайвергач бўғзим қонади,
Ўзингни изладим офтобшувокдан.



Капалакка уриб кетар гулнинг хусни,
Кўкни кучмоқ осмондаги мохтобдандир.
Музкўрғоннинг ибтидоси хикмат асли,
Музкўрғоннинг интиҳоси офтобдандир.

Билмайсиз-да, икки чашмим икки ирмоқ,
Икки ирмоқ соҳилига юлдуз кўнар.
Нетай, сизни соғинмоғим катта гуноҳ,
Лекин, сизни соғинмасам ёмон бўлар.

Вужудимга сўзлаб берар эртагини,
Соғинчларнинг ортидаги мовий кунлар.
Юрагимга боссам дарднинг йўргагини,
Ялпизларнинг, райҳонларнинг иси келар.

Пойларимга битта – битта тўкилади,
Хайратлардан туғилган хўл титроқларим.
Ҳасад тўла ҳасратларни ўлдиради,
Икки чашмим тўла икки ирмоқларим.



Умримни лаҳзалар айлади талош,
Осмоннинг кўксида синди чакмоқлар.
Рухимни ихтиёр айлади бардош,
Жонимга жон бўлди момақаймоқлар.

Истадим, истагим нурга айланди,
Нигоҳим чашмаси дурга айланди.
Ҳақнинг юрагига бошимни қўйиб,
Йиғладим, сўнг эса хурга айландим.

Учдим, юрагимга солиб осмонни,
Ўтдим хотиранинг эшикларидан.
Севиниб қўл чўздим заминга, илло,
Муҳаббатнинг олий кўшкларидан.

Умримни лаҳзалар айлади талош,
Осмоннинг бағрида ёнди чакмоқлар.
Илинж сирларимни айлади-ю фош,
Жонимга жон бўлди момақаймоқлар.



КЎЗИМНИНГ ЁШИГА АРЗИМАГАН ЁР

Жонимнинг тубида ловуллайди чўғ,
Кўксимда дард кезар совукдан совук,
Ўйламанг, сиз учун йиғлаганим йўк,
Кўзимнинг ёшига арзимаган ёр.
Овуниб яшардим дийдорингизга,
Кўнардим минг битта озорингизга.
Уларни илининг дилдорингизга,
Кўзимнинг ёшига арзимаган ёр.
Рухимда исмингиз ёнади доим,
Рухим ёлғизликдан тонади доим.
Сизсиз ҳам асрайди мени Худойим,
Кўзимнинг ёшига арзимаган ёр.
Гоҳи ёмғир бўлдим, гоҳи дўл бўлдим,
Гоҳи кашқир бўлдим, гоҳи гўл бўлдим.
Нетай, кўнглингизга фақат қул бўлдим,
Кўзимнинг ёшига арзимаган ёр.
Балои азимга қолди бу умр,
Бир ховуч оловда ёнди бу умр,
Сизни ўйламайман энди бир умр,
Кўзимнинг ёшига арзимаган ёр.
Ўзимдай серзарда изтиробларим,
Армоннинг кафтидан тутар оҳларим,
Нозик дилингизга оғир ботмасин,
Кўзимнинг ёшига арзимаган ёр.



Куннинг танчасида ловуллайди ўт,
Туннинг косасига қуйилади сир.
Жисмимни музлатиб қўяди сукут,
Жисмимни танчага ташлайди тақдир.

Қора чодрасини ёпинар малак,
Бағрида юлдузлар кулиб ётади.
Кўксимда безабон куйинар юрак,
Армонга мустаҳик тонглар отади.

Йилларнинг лабидан тўкилар ғусса,
Кўксимни нишонга олар хўрсиниқ.
Теграмда қор каби эланар лаҳза,
Дил синиқ, дил синиқ, дил синиқ.

Ёнаман, бир чақин олов бўламан,
Қаршимда ҳижроннинг гуллаши ҳақдир.
Ўлсам, райхонларга сингил бўламан,
Мени қирққа бўлиб қувонар тақдир.



ВАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР

Иймон мени юксакларга қўйса элтиб,
Калом бўлсам томирларни ёриб чиқар.
Дийдорига маҳтал бўлсам бир кун келиб,
Ватан менинг тушларимга кириб чиқар.

Мадад кутсам оҳ юбориб осмонлардан,
Тамом бўлсам хижронлардан, армонлардан.
Ватан, дея дил кўтарган исёнлардан,
Тан-у жоним қақшаб – қақшаб куйиб чиқар.

Ёмғирзорнинг шивирида соғинчим бор,
Оҳангида англаб бўлмас овунчим бор.
Атиргулнинг ифорида севинчим бор,
Жисм-у жоним бўйларини туйиб чиқар.

Вужудимни кул қилади оғриклари,
Ватан, десам, гул бўлади борликларим.
Менга бахтдир Ватан берган ёрликлари,
Ватан сўзи жон – жонимни ўйиб чиқар.

Кўкдаласин кенгликлари турар чорлаб,
Такдир мени ўз измига қўяр боғлаб.
Қадам боссам изларимни турар сийлаб,
Ватан шу-да жисму – жоним суйиб чиқар.



Мен кетаман изларимда қолар сўроқ,
Мен хижроннинг сиртмоғида тўлғонаман.
Ўлим мени алла билан элаган чоғ,
Мен кўнгилнинг исми билан уйғонаман.

Изларимдан униб чиқар қизғалдоғим,
Бойчечакдек кулиб чиқар қизғалдоғим.
Жоним билан ёниб чиқар қизғалдоғим,
Мен кўнгилнинг исми билан уйғонаман.

Алам билан топганларим боғ бўлади,
Алам билан интилганим тоғ бўлади,
Буни Худо, буни мен-у, зоғ билади,
Мен кўнгилнинг исми билан уйғонаман.

Кулбачамда қолиб кетар кечмишларим,
Деворларга ботиб кетар кечмишларим,
Тонгларимда отиб ўтар кечмишларим,
Мен кўнгилнинг исми билан уйғонаман.



Синдим, кўнгил парчаларига
Бокий нурдек илашиб кетдим.
Дайди руҳнинг кўчаларидан,
Олов билан тиллашиб ўтдим.

Севдим, гулнинг ғунчаларига,
Ўзлигимни аямай тўкдим.
Капалакнинг қанотларига,
Фақат, фақат умримни тикдим.

Кўзимга суртолсам, қанийди,
Камрон лаҳзаларнинг гардини.
Ўзимники қилиб яшардим,
Соғинчрўй кунларнинг дардини.

Етолсам қанийди, қанийди,
Камрон лаҳзаларнинг бахтига.
Розийдим, айлансам шу лаҳза,
О, шу лаҳзаларнинг қадрига.



Кўхна кечмишларни кўмдим кўксимга,
Кузранг кўйлакларни кийганча кулдим.
Кимсасиз коинот кенгликларида,
Кимга кетаётган карвонсан кўнглим.

Кузлар-а куйдирди куйган кўксимни,
Кузларнинг кифтида куйиб кетмадим.
Кўксимга кўмганча кўхна кечмишни,
Кетмадим, кетмадим, кетмадим.

Юрагим ёнмоқда вақтнинг кифтида,
Чархпалак гирдида оқаяпти дард.
Бошларимиз узра ёғмоқда кара,
Аёз муждалари олиб келган бахт.

Юрагим қонмоқда вақтнинг кифтида,
Ишкнинг тонгги, саррин шаббодасига.
Мен сингиб кетяпман, азизим, кара,
Йилларнинг энг оғир овозасига.

Юрак уйғонмоқда вақтнинг кифтида,
Вақтнинг қўлларида хазондек учгум.
Томчига айланиб ёмғирзорларда-
Тупроқнинг юзига нур бўлиб кўчгум.



Бу қисматнинг кўчалари тор,
Йўлагига жон берар хазон.
Бу қисматнинг хиёбонида,
Гуллаб ётган битта умр бор.

Бу қисматнинг гўшаси олов,
Алангаси дилни уйғотар.
Кечмишини сўйлаб берар бахт,
Сочимдан то товоним қадар.

Бу қисматнинг дарёси сим — сим,
Бир ҳовучин исмидир кадр.
Бу кўчада туғилиб жим — жим,
Бу кўчада гуллайди тақдир.

Бу уммоннинг охири билмам,
Қайси уммон билан туташар.
Бу уммонда саргардон кемам-
Мухаббатнинг соҳили қадар.



Ўзингиздай баланд осмонингиз бор,
Булутлар бегона ошёнингизга.
Сиз, деб дунёларга қўл силтаб қўйсам,
Олиб кетасизми осмонингизга?

Сиз узун дунёсиз, Сиз чексиз дунё,
Сиз олов дунёсиз, Сиз тошкин дарё.
Бир ховуч чўғини қўрғонга ташлаб,
Кулга айлантирган, сел қилган рўё.

Бизнинг кўксимиздан офтоб ўтмади,
Бизнинг кўксимиздан юз бурди шамол.
Ҳаттоки ёмғирнинг макри ўтмади,
Ҳатто керагида чекинди ҳилол.

Ўзингиздай метин қўрғонингиз бор,
Айтинг, кимлар сиғар қўрғонингизга.
Агар, бул қўрғонга нурдек туташсам,
Олиб кетасизми осмонингизга?



Йўкламайди, ғурур ўзга кўчаларни,
Кўнгилгинам йиғлаб турар тўйиб – тўймай.
Юрагингиз тутдек тўккан ғунчаларни,
Битта – битта териб олсам, хафа бўлманг.

Бул ғунчалар юрагимга қадим таниш,
Бул ғунчалар қатрасида бордир нолиш.
Муштдеккина юрагимга ботганда ниш,
Зада бўлманг, сиз менчалик зада бўлманг.

Умидларнинг дарёсига тўкиламан,
Юкинаман, сизга қаттиқ юкинаман.
Бағри қаро қизғалдоқдек ўксинаман,
Азоб чексам, азоб чекай далда бўлманг.

Борлиғим ишк, чакмоқ менга ошён бўлса,
Бир дил бўлса бағри тўла исён бўлса,
Худойим-эй, дил етгулик осмон берса,
Кетди, дея хижрон отлиғ дардда бўлманг.



Бу кўнгилнинг кўргулиги фақат ишқ,
Бу кўнгилнинг ичган оши маломат.
Бу кўнгилнинг мавжудлиги бир кечмиш,
Бу кўнгилнинг қучганлари надомат.

Оташида бир жон кетса кетгулик,
Гар истаса, ҳижронни банд этгулик,
Ҳиёнатнинг ёқасини йиртгулик,
Бу кўнгилнинг излагани ҳаловат.

Ўн саккиз минг олам тинглар ноласин,
Худо эрур бу кўнгилнинг дояси.
Ўт қўйсангиз сизни ёқар сояси,
Бу кўнгилнинг бору – йўғи ҳарорат.

Ойдин кўнглим, осмон кўнглим, ҳур кўнглим,
Қизғалдоқнинг эгизаги гул кўнглим.
Эртақларни забт этамиз, юр, кўнглим,
Биз тиласак тилагимиз ижобат.



МУҲАББАТ

Ёмғирларнинг нидосида қўшиқ бўлдим,
Билмай қолдим бир ғариба ошиқ бўлдим,
Аламзада юрагимга бешиқ бўлдинг,
Бешигингга ёмғирдайин тўкилди жон,
Муҳаббатжон, муҳаббатжон, муҳаббатжон.

Кўнгил бўлдим, сенингдайин гул топмадим,
Имкон топдим, аммо очик йўл топмадим.
Дил бердим-у, нима қилай, дил топмадим,
Юрагимда қолиб кетди узун армон,
Муҳаббатжон, муҳаббатжон, муҳаббатжон.

Банди бўлдим ҳижронларнинг қафасига,
Рухим интиқ жон бергувчи нафасингга.
Жо бўлдинг-ку ҳайратимга, ҳавасимга,
Кўнгилдай кенг, баланд, олис, тоза осмон,
Муҳаббатжон, муҳаббатжон, муҳаббатжон



Сен кетган йўл олис – олис осмон қадар,
Осмон менинг юрагимдан бошланган йўл.
Эшигингни соғинч билан чертдим маҳтал,
Муҳаббатнинг қийноғида сарғайган гул.

Хайрат каби сийратингга кўчмоқ бўлдим,
Дил истадим, маконимдан кечмоқ бўлдим.
Гул қўлингдан фақат гулоб ичмоқ бўлдим,
Муҳаббатнинг қийноғида сарғайган гул.

Сув пуркади кимдир олов, гулханимга,
Гувоҳ бўлди ўз ёғимда куйганимга,
Керак эдим менга меҳр қўйганимга,
Муҳаббатнинг қийноғида сарғайган гул.

Худойимдан ожиз дилга ишқ сўрадим,
Ишқ сен эдинг сенинг учун кўшқ сўрадим.
Саратонда кишдан баттар изилладим,
Муҳаббатнинг қийноғида сарғайган гул.



Йиллар -хотиротнинг хадсиз тўлкини,
Лаҳзалар Худойим юборган афсун.
Бизлар куч оламиз ушбу афсундан,
Қисмат гулханида ёнмоқлик учун.

Кипригим остида гуллайди соғинч,
Йиллар шу соғинчнинг битта учқуни.
Сувратимда баҳор, сийратимда киш,
Қаршимда йилларнинг кезар бугуни.

Йиллар капалакнинг қанотларида,
Мен ета олмаган илоҳий бир туш.
Йиллар, тош кўчанинг саботларида,
Кўнглим билан бирга улғайган окқуш.

Бу гал муҳаббатнинг омади келмас,
Жонимни ҳижронлар ютиб олади,
Борар манзилимда одамлар эмас,
Мени капалаклар кутиб олади.

Кўнглим тугунчаси ёниблар кетар,
Кўкка камалаклар ботиб қолади.
Атиргул гунчаси қонаблар кетар,
Менга капалаклар содик қолади.

Майли-да, дейману ўксинаман жим,
Хаста дил овунчоқ излаб қолади.
Биз битта манзилга борамиз, жоним,
Бизни капалаклар кутиб олади.



СИЗ КЕТДИНГИЗ

Сиз кетдингиз, қўлларимни йиллар ўпди,
Сиз кетдингиз, изингизни еллар ўпди,
Нигоҳларим томчи – томчи гуллар тўкди,
Мен кўнгилнинг дарди билан қолар бўлдим.

Насимларнинг тилларида бўлдим сўров,
Қаловини топганича ёнди олов,
Тун белаган кипригимни ўпди киров,
Мен кўнгилнинг дарди билан ёнар бўлдим.

Димоғимни хуш қилдилар ялпизларим,
Учиб кетар куш бўлдилар кундузларим,
Юрагимдан отиб чиқди илдизларим,
Мен кўнгилнинг дарди билан ўлар бўлдим.

Хаёлимдан хотиротнинг бўйи анкир,
Чор – атрофим ёмғирзорга тўлаяпти.
Юраккинам урганида оғир – оғир,
Кафтларимдан гул унгиси келаяпти.

Қаранг, бунда райхон менга тилар умр,
Бахт ёрилтош орасида келаяпти.
Зухро юлдуз айлаганда шивир – шивир,
Кафтларимдан гул кулгуси келаяпти.

Такдирнинг тош деворларин дил бузади,
Ғафлатнинг бор иродаси ўлаяпти.
Охуларнинг диёрини сўраганча,
Кафтларимдан гулнинг иси келаяпти.



Вужудимни ловуллаатиб кадр ёнди,
Кўзларимнинг қаросида дард уйғонди.
Ул кадрнинг заррин – заррин кулларида,
Кўксим ичра мунгдан – мунглиғ қабр қолди.

Юки оғир савдолардан рухим хаста
Истамасдим, паноҳимда ишқ шикаста.
Эй воҳ, дунё савдойингдан рангим музтар,
Юрагимда ҳажр отлиғ васл қолди.

Япроқлардан баҳор иси анкиб турар,
Юраккинам ҳар лаҳзада қалкиб турар.
Қўл теккизсам музликлари чакиб турар,
Мен етмаган даргоҳи кенг наҳр қолди.

Ёмғир ёғса чўл дунёим кўл бўларди,
Умидларим мўл бўларди – мўл бўларди.
Хаста дилим ширингина тўй кўрарди,
Умидларда сеҳр қолди, сеҳр қолди.



Ўтасиз, кулгингиз тўкилиб колар,
Хавотир айланар пешонангизда.
Ўша сиздан қолган кулгудан ёнар,
Бир ит йиғлаб ётар остонангизда.

Ўтасиз, шивирлаб қолади дарахт,
Япроқлар илғайди юрагингизни.
Фасллар айланар, йиллар бетокат,
Хаёл тиламайди эртагингизни.

Жонингиз, жонингиз, жонингиз эмас,
Муҳаббат судрайди оёгингизни.
Сиздаги чалажон туйғудан сармаст,
Бир қиз ўғирлайди хаёлингизни.

Ўтасиз, умрингиз сиздан оғринар,
Англашни истамай ёнаверасиз.
Хавотир аралаш сизни соғинган,
Итсиз остонада қолаверасиз.



ВУЖУДИМНИ ИЙМОНЛАРГА КЎМГАН, ВАТАН!

Ҳар бир тошга юрагининг томган қони,
Ўтмиш ичра сингиб кетган муштдек жони,
Бугун тавоф айлаб ўсар полапони,
Пойдеворин аждодларим қурган Ватан.
Ёди билан бағрим бутун қайда бўлсам,
Арзийди-да, шукр айтиб сажда қилсам,
Атиргулнинг тиконига ботиб ўлсам,
Вужудимни иймонларга кўмган Ватан.
Болаликнинг сувратлари хурдир асли,
Болаликнинг сийратлари гулдир асли,
Болаликнинг эгизаги нурдир асли,
Тол бешигим айвонларга илган Ватан.
Бўйи- басти шиддатига кўчиб ўтган,
Тоғни талқон қилган, дарё кечиб ўтган,
Соясидан етти иқлим чўчиб ўтган,
Ботирлари жигаримдан урган Ватан.
Сезмайсиз-да, қуёшидан меҳр томар,
Офтоб урди, деманг асло, сеҳр томар,
Томиримда жонга туташ ёғду окар,
Офтобидан лолаларим унган Ватан.
Ватан, менинг шижоатим, жасоратим,
Ватан менинг оловга тенг ҳароратим,
Бу дунёдан топган бор-йўқ ҳаловатим,
Чиройидан нигоҳларим кулган Ватан!



Ишқ томирга пайванд жонда сизади,
Сирлар юксалтирар дил синчларини.
Шамоллардан ўзга ким ҳам сезарди,
Куйдирмажон қизнинг ўкинчларини.

Томчилар ўйноқлаб ётар хар ёнда,
Кўнгил оғир олар рашк важларини.
Малаклар тўлғониб тинглар осмонда,
Куйдирмажон қизнинг нолишларини.

Ёмғирлар оқизиб кетар билади,
Тошларга кўмади ўтинчларини.
Хўрсиниқ бир ховуч ундай элайди,
Куйдирмажон қизнинг ич – ичларини.

Яратган бир тутам сабр тутади,
Нурга чўмилтирар соғинчларини.
Юрак даргоҳига жим – жим ютади,
Куйдирмажон қизнинг ёнишларини.



Атрофим сап – сариқ чирмовуқ,
Ям – яшил хилолдан оғриндим.
Дунёлар ичида энг ёруғ-
Дунёни жудаям соғиндим.

Кирмайман, дунёнинг тушига,
Қаноат туғилар аҳдимдан.
Бахтимни яширган кўшкига,
Аслида жудаям яқинман.

Кафтимда мум каби эрийди.
Мушт эмас, илинжнинг залвори.
Пойимда юракдек қалкийди,
Хазонларнинг уйғоқ виждони.

Деворда соатмас аслида,
Хотира капгири бонг урар.
Минг йиллик гумонлар дастидан.
Ичимга исёнлар қуйилар.

Узилиб кетмайман осмондек,
Узилиб тушмайман тақдирдан.
Чинорлар суяйди мени, лек...
Тиллари кесилган чинорлар.



Дилингизни аллалаган сўз ёнади,
Ўтинчлардан чатнаб ётган муз ёнади,
Мудраб ётган хаёлларим уйғонади,
Дардингизда битта тутаб ёниб олсам.

Ўшанда мен офтоб билан сирлашаман,
“Кўнгил” деган китоб билан диллашаман,
Сизга умид гулларини улашаман,
Ўз - ўзимнинг овунчимга кўниб қолсам.

Ҳар оқшомда ғунча тугар асрорларим,
Асрорларим сотиб қўяр шамолларим,
Мени олиб кочиб кетар баҳорларим,
Сизни куздан зўрғагина топиб олсам.

Туйғуларим туғаверар турфа ранглар,
Юрагимдан нусха олиб отар тонглар.
Гуллигимда мени севган капалаклар-
Аразламанг, тиканзорга дўниб қолсам.



Умидимни кутгайдирман гулга ўраб,
Нондек азиз рухсорларим дийдорталаб,
Яратгандан чимдимгина меҳр тилаб,
Киприкларим саф – саф тортиб ётаверар.

Чанқоқ дилни биёбонга бошлар хижрон,
Юрагимнинг ёқасидан ушлар хижрон,
Тушларимда кўшиқ айтиб яшнар хижрон,
Ўртамизга гумон соя тортаверар.

Ҳижрон сабаб бахт кўшикига боролмайман.
Бахт қасрида олов бўлиб ёнолмайман,
Томиримда ишқ оқади, ўлолмайман,
Борган сари дилнинг ҳаққи ортаверар.

Етти фалак титроғида тўлғонаман,
Тунда тонгга, тонгда тунга айланаман,
Малакларнинг тушларида уйғонаман,
Хур хаёллар сизни менга элтаверар.



КЎНГИЛДОШЛАРИМ

Умид чечаклари кўз ёрар дилда,
Дийдор эшигини очар тушларим.
Борингиз руҳимга беради далда,
Сизсиз яримтаман, кўнгилдошларим.

Жонимга юктирар нафасини дард,
Азобни ортмоқлаб учар кушларим.
Ҳар ненинг бус- бутун бўлмоқлиги шарт,
Сизсиз яримтаман, кўнгилдошларим.

Нетай, ёлғизликда синикқан гулман,
Пойимда чинорлар эгар бошларин.
Кимлардир етмаган буюк манзилман,
Сизсиз яримтаман, кўнгилдошларим.

Ичимга аламлар кўрғошин куяр,
Ичимда тобланиб ёнар тошларим.
Синик юрагимни нимадир ўяр,
Сизни соғинганда, кўнгилдошларим.



Тошлар ўсиб – ўсиб охир тоғ бўлдилар,
Юрагимга юккан гардлар доғ бўлдилар.
Юзларимни бўзрайтирди алвон шафақ,
Юзларимни сомон қилган оҳ бўлдилар,
Қисмат симоб каби модда қўлга кирмас.

Шафақ асли юрагимдан ранг олмишдир,
Деворларда армонларим занг олмишдир.
Гул юзимга ҳаёт борар чиммат тутиб,
Тош йўлларда карвонларим қоқилмишдир,
Ҳаёт асли олдиндадир ортда эмас.

Сирлар сира сир бўлмади гуллаб қўйди,
Томиримга томирини улаб қўйди.
Розга тўла юрагимнинг айвонлари,
Асрорлардан капалаклар ёниб – қуйди,
Гул умримнинг ифорлари ўлим билмас.

Эгнимга жим илдим ҳурлик ридосини,
Мозорларга кўмдим шайтон либосини.
Оташлари лабларимни қуйдирдилар,
Юрагимдан тўксам соғинч нидосини,
Жандаларим ямокдир, лек йиртиқ эмас.



АЗИЗИМ...

Азизим...

Дийдорнинг йўллари узун,
Дийдорданда узун армонларимиз.
Беш кунлик алдовга кўниксак бўлди,
Бизлар худойимнинг меҳмонларимиз.

Азизим...

Дийдорнинг бўсаси олов,
Туташсак иккимиз ёниб кетамиз.
Дунё сирларини юрагимизда,
Ҳаммадан яшириб олиб кетамиз.

Азизим...

Армоннинг йўллари олов,
Ёнсак арзийдида, ўтсак ўтибмиз.

Азизим...

Армоннинг қўллари олов,
Кифтида жон тутиб ўлсак ўлибмиз.

Азизим...

Дийдорнинг йўллари узун,
Дийдордан-да узун армонларимиз.



Юрагимни ўзанидан дарё тошди,
Юрагимда гул – райҳонлар ифор сочди.
Сўз навбати энди менга келганида,
Дўстим куруқ аравани олиб қочди.

Куйганимча кулиб кўйдим дардим билан,
Яшамок шарт, деган ҳаёт шарти билан.
Мендан кўнгил ўғирлабди энди билсам,
Дўстимдан ҳам яқинроқ дўст кўнгил экан.

Кўникишдан бошқасига кўнолмадим,
Капалакдек бошқа дилга йўл олмадим.
Ўлимимга умидвор кўз тикди дўстим,
Худойимдан изнсиз мен ўлолмадим.

Бир кун айтдим озорларинг олиб кет, дўст,
Ёмғир бўлиб рухсоримга қониб кет, дўст.
Янтоқми ё қизғалдоқдек униб чиқай,
Мозорингга дийдоримни кўмиб кет, дўст.

Дўстим ёди борлиғимни ёмон қучди,
Ҳасратлардан борлиғимга кафан бичдим.
Дўстим сабаб туғилганди хайратларим,
Фаромушлик соҳилида шамдек ўчдим.

Бизлар кетдик оптимизда фарёд қолди,
Ундан менга, мендан унга бир ёд қолди.
Парвозларга мушток бўзлаб қолди осмон,
Эгасига буюрмаган қанот қолди.



ОНАМГА

Кимлардир тош отди. Тегди. Йиғлади,
Маломат-у ғурбат, дардга чидади,
Ёмонлик қилганга инсоф тилади,
Кафтлари дуога бешигим мени.

Меҳрдан мен учун сарой курганим,
Офтобдек жизғанақ бўлиб куйганим,
Оташ нафасидан ором унганим,
Қалбимни уйғотган қўшиғим мени.

Ишқ аҳлин сараси ундан ўтолмас,
Боласин феълига шамол етолмас,
Уни на бир арслон, на шер йиқолмас,
Ҳар дам эзгуликка ошиғим мени.



ҚАНДОҚ ЯХШИ

Эзгуликдан умидингиз кетса тўлиб,
Қандоқ яхши кошонангиз нурга тўлса.
Худойимнинг ўзи турса сизни суйиб.
Қандоқ яхши икболингиз кулиб турса.

Изтироблар бир чеккада туш кўради.
Дилдан чиққан калом шунда иш беради.
Рухингизга чексиз мадор, куч беради,
Қандоқ яхши икболингиз кулиб турса.

Шундай пайтда қанот бўлар саботингиз,
Қўркманг, синиб кетмагайдир қанотингиз.
Юксалгандан юксалгайдир ҳаётингиз,
Қандоқ яхши икболингиз кулиб турса.

Юрагимни бериб кўяй кўлингизга,
Қандоқ яхши юрак бахтдан ёниб – куйса.
Худойимнинг ўзи турса сизни қўллаб,
Қандоқ яхши икболингиз кулиб турса.



Аламлар кетди-я айвонингиздан,
Ором кетди рухи равонингиздан,
Ойлар кулиб ўтди кўргонингиздан,
Бизлар ўтолмадик...

Оловга ишқимиз тушди-ю кетди,
Лаҳза иккимизни қучди-ю кетди,
Дийдор капалакдек учди-ю кетди,
Бизлар тутолмадик...

Жонга жон талашдик, жон увол бўлди,
Рухсор армон бўлди, меҳр гумон бўлди,
Оҳимиздан лолақизғалдоқ унди,
Бизлар унолмадик...

Кўнглимиз боғлаган ҳайратлар ҳаққи,
Хазондек сарғайган ҳасратлар ҳаққи,
Илтижолар ҳаққи, даъватлар ҳаққи,
Бизлар етолмадик...



СИЗ ЎША...

Кўзимнинг ўнгида юксалади нур,
Шамоллар жонимга тилайди тўзим.
Сиз ўша... йилларнинг муҳаббатида,
Менга буюрмаган бахтсиз, азизим.

Кўзимнинг ўнгида парчаланар нур,
Ишкнинг ҳақлигидан тонади кўзим.
Сиз ўша... Кўнгилнинг ҳарорати-ла.
Жонимни куйдирган дардсиз, азизим.

Юрагим қаърида юксалади нур,
Ўзимнинг жонимга сиғмайман ўзим.
Сиз ўша макони самойи ғурур,
Мен ета олмаган бахтсиз, азизим.

Кўнгил тиёлмади ўзни гуноҳдан,
Осийлик излари ёмон оғриди.
Заминни ингратган қадим тўлғокдан,
Кўкдаги булутнинг кўзи ёриди.

Қиблага оҳиста бурдим юзимни,
Қаҳқашон юракни бир тоб илитди.
Шамол бағрим ичра урди ўзини,
Дилим меҳробига ойни беркитди.

Назаримда осмон йўқолиб қолди,
Нажмлар кўзимга сингиб кетганди.
Осмон вужудимни бағрига олгач,
Кўйлагим гулидек ўнгиб кетганди.



Чакмоқлари кескир қилич, ёйлари бор,
Қамишлари куйлар туғар найлари бор.
Юлдузлари, ўн беш кунлик ойлари бор,
Осмонингиз ичимдаги осмончамас.

Бармоқ урса қизғалдоғи тўкилмайди,
Шижоати ҳисларига беркинмайди.
Устунлари матонатдан эгилмайди,
Қўрғонингиз ичимдаги қўрғончамас.

Шамоллари айвонимдан эсиб ўтди,
Кўзимдаги уйқуларни бузиб ўтди.
Илинжимни юрагимдан узиб отдим,
Армонингиз ичимдаги армончамас.

Жон ҳаққини адо этмоқ фарзим мани,
Елкамдаги тоғдек оғир қарзим мани,
Кўнглингизга бордир жиндек арзим мани,
Дунёингиз ичимдаги дунёчамас.



Ҳисларимдан уйғонади мудроқ дунё,
Паноҳ излар ҳассос кузнинг йўлагидан.
Хотиралар асирага айланади-
Гунг дунёнинг ҳовуч тўла тилагидан.

Ҳисларимдан уйғонади мудроқ дунё,
Қизғалдоқлар меҳр истаб ўксинади.
Томиримдан сизиб ўтган соғинч ҳисси-
Лабларимдан кўнглингизга тўкилади.

Кўнглим сезар титраб кетар юрагингиз,
Жонингизга жон бўлгувчи диллар қани.
Минг изламанг, сиз уларни тополмайсиз,
Мен бораман жонингизга жон бўлгани.

Ҳисларимдан уйғонади мудроқ дунё,
Гулранг умид остонамга тўкилади.
Соҳилларни менсимайди тилсиз дарё,
Осмон менинг юрагимга беркинади.



ЮРАГИМНИ БИНАФШАГА БЕРГИМ КЕЛДИ

Муҳаббатнинг эртаклари узун – узун,
Муҳаббатнинг эртаклари бирам маҳзун,
Бир кун келиб шу эртақда яшаш учун,
Юрагимни бинафшага бергим келди.

Муҳаббатнинг кўшиқлари бирам маҳзун,
Муҳаббатнинг навосида оқар афсун.
Бир кун келиб шу афсунда оқмоқ учун,
Юрагимни бинафшага бергим келди.

Муҳаббатнинг бешиги бор нурдан бўлган,
Нур бешикка гул жонимни белаб қўйгум.
Муҳаббатнинг кучоғида ўлмоқ учун,
Юрагимни бинафшага бериб қўйдим.



Илинжларим ерга урар жуссамни,
Чирок бўлсам, битта елга ўчардим.
Кадах тутиб, гулоб, дея қасамни,
Ичганимда, аллақачон ичардим.

Ўқиб кетган сув тубига ҳаётим,
Ўқиб кетган қорабайир, ғиротим,
Сабот менинг Худо берган қанотим,
Учганимда, аллақачон учардим.

Кўнгил банди кўзингизнинг қирига,
Чидаймиз-да макру – фирибларига,
Фаҳмим етмас кўнглингизнинг сирига,
Ечганимда, аллақачон ечардим.

Қирқта жоним қирқ кечага талпинар,
Умидларим қирқ кундузга топинар,
Қирқта малак ипак рўмол ёпинар,
Қучганимда аллақачон қучардим.

Райҳон тутар сиз тутмаган қўлимдан,
Майса унар қакраб ётган кўнглимдан.
Ҳолва каби туюлади ўлим ҳам,
Кечганимда аллақачон кечардим.

Ҳолинг не, деб сўрмайдиган тақдир бу,
Юрагимни торайтирган тақдир бу,
Пешонамни қорайтирган тақдир бу,
Қочганимда, аллақачон қочардим.



ДЎСТИМ

Дўстим, кўзингизда соғинчми, билмам,
Қалбингиз уйғонди кўзингиз айтди.
Менинг вужудимда қалқиган олам,
Сизнинг илкингиздан сездирмай тутди.

Дўстим, руҳингизда саргашта севинч,
Уммонга айланди, сўзга айланди.
Фурсат қудратини англолмай қолдим,
Кўнглингиз кўнглимга нурдай беланди.

Дўстим, борлиғингиз гул бўлди кўрдим,
Кўнглимни чўқтирдим гулобингизга.
Билмам, руҳингизга қандай юкиндим,
Айлангач, энг гўзал сўроғингизга.

Оловли кунларнинг хотирасидан,
Оловли туйғулар сочилди қулдай.
Мен эса оғриниб қарашларингни-
Безабон ҳисларга кўмдим индамай.

Саробга, барибир, асир тушди йўл,
Сароб эрмак қилди умримни атай.
Соғинч эшигида музтар бўлди дил,
Ҳиссимни музларга кўмдим индамай.

Такдирим кечикди гулнинг фаслига,
Юрагим ичикди гулнинг фаслига,
Энди боргим келмас гулнинг қасрига,
Изимни кузларга кўмдим индамай.



Исмим ёдингизни куйдириб ташлар,
Исмим борингизни адо қилади.
Рухингиз руҳимга талпиниб яшар,
Буни англамайсиз Худо билади.

Борликка ўзини бағишлайди ой,
Жонини булбулга илинган гулдай.
Шафакнинг илоҳий кенгликларига,
Сезмайсиз, сингийман бир томчи нурдай.

Қуёшга етаман, ёнаман, аммо,
Йўқ бўлиб кетмайман, мангу қоламан.
Мен Ватан айлайман осмонни, илло,
Шу ерда ҳаммадан бахтли бўламан.

Бахтнинг рангларидан руҳим юксалар,
Бахтиёр боқаман фалакдан сизга.
Сиз эса сезмайсиз, рангин шуълалар,
Ёғилиб турганин юрагингизга.



ҲАЗРАТИ АЁЛ

Маҳзун нигоҳига ботиб кетар нур,
Гунчалар кафтини силайди хиёл.
Хаёллар бағрига яширганча сир,
Кимнингдир дардида гуллайди аёл.

Йиғласа кўшилиб йиғлайди ёмғир,
Ҳаттоки, пойига чўкади шамол.
Оромни ихтиёр айласа агар,
Худонинг кўшкини танлайди аёл.

Унинг юраги бор осмондан баланд,
Ётсам, деб интилар энг узун хаёл.
Иккита дунёни этганича банд,
Кўксида жаннатни асрайди аёл.

Келиб – кетаверар қалдирғочлари,
Лойсувоқ шифтида изғийди савол.
Осмонга учириб сандувочларни,
Дунёни янгилар ҳазрати аёл.



ЁЛҒИЗЛИК

Кузлар ўтди теграмда ғолиб,
Истиғфорга ярамадингиз.
Қалбингизни мўлжалга олиб,
Тошлар отдим, қарамадингиз.

Дилга экиб хайратларимни,
Улғайтирдим англамадингиз.
Соғинчга бой хасратларимни,
Тингламадингиз, тингламадингиз.

Сўкмок йўлда йиқилиб тушдим,
Дарддан ёндим индамадингиз.
Юрагимнинг кўрини ичдим,
Кўриб туриб йиғламадингиз.

СИЗГА БИРОВ БЎЛАМАН

Ҳали караб туринг парво қилмайин,
Рухингиз титратган ялов бўламан.
Кўрасиз, шафқатга эшигин очмай,
Юзингиз куйдирган олов бўламан.

Бир куни кўрамиз осмонингиздан,
Жим тушиб келасиз, сўров бўламан.
Йиллар зорланадир тегрангиз аро,
Сочингиз тўлдирган қиров бўламан.

Шунда сув қуйилар хаёлингизга,
Сиз ва сукунатга гаров бўламан.
Исмимни айтолмай забонингизда,
Ҳамон ўша-ўша биров бўламан.



Улгайдим, тоғдайин виқор-ла ўсдим,
Дийдор денгизини энтикиб кечдим.
Сенинг кўзларингни соғиндим, дўстим,
Ёдинг ёмғирини энтикиб ичдим.

Яшадим, ўзимдан бегоналашиб,
Бегона оламга сен дея кўчдим.
Сен менинг кўнглимга кирдинг адашиб,
Ёдинг осмонида лочиндай учдим.

Унутдим, кўнглимда сирларим қолди,
Сенсиз дунёлардан югуриб қочдим.
Исминг оқ қоғозга тўкилиб ёнди.
Ёдинг эшигини бесўроқ очдим.

Ҳақиқат куйдирди бору йўғимни,
Билмадинг, ўзимдан бутунлай кечдим.
Хотира уй қилди менинг руҳимни,
Ёдинг ёмғирини соғиниб ичдим.



КЎНГЛИМИЗ

Дунёларнинг лошига,
Қабр бўлди кўнглимиз.
Қатра – қатра дардларга,
Сабр бўлди кўнглимиз.

Тош отмаган эдик-ку,
Меҳрнинг айвонига.
Қадр истаб бир умр,
Қаҳр кўрди кўнглимиз.

Кўксин захга берганча,
Виждонга елка тутиб.
Муҳаббатнинг лабидан,
Заҳар сўрди кўнглимиз.

Бизни даврон унутди,
Бизни замон унутди.
Дийдор, деб куя – куя,
Охир ўлди кўнглимиз.



Ай дўстижон, бисотимиз гул эди-я,
Кўзимизнинг топганлари нур эди-я.
Айрилиқда юрагимни зулмат қопди,
Сенинг кўнглинг ойдингина нур эди-я.

Сенинг кўнглинг гулзорларга ошён эди,
Иккимизнинг руҳларимиз осмон эди.
Сенсиз менга жуда – жуда ёмон бўлди,
Бизнинг айро тақдиримиз дoston энди.

Сирли – сирли суҳбатимиз бўлдилар туш,
Сирли – сирли суҳбатимиз эдилар хуш.
Бахтли эдим, ҳур бахтимга кўзлар тегди,
Дилгинамнинг бир чеккаси ётар бўм-бўш.

Икки йўл бор -ёкасида гуллар армон,
Икки гул бор- ноласига гувоҳ осмон.
Ай дўстижон, бугун сувсиз саҳродаман,
Райҳонларнинг ифориға ичикди жон.

Ай дўстижон, бугун дийдор тилар бўлдим,
Саболардан ўтинчимни йўллар бўлдим.
Юрагимга соғинч гулин экиб қўйиб,
Теграсида парвонадек ўлар бўлдим.



Кўзимнинг ёшига юзимни тутдим,
Мени аллалаган ҳислар унутди.
Мен ўз юрагимни аямай титдим,
Мени ўша таниш излар унутди.

Умид билан кутдим чиқмоқларини,
Телбаваш, хастади япроқларини,
Ўлимга элтувчи сўқмоқларини,
Кездим. Мени таниш кузлар унутди.

Ифориға шайдо айлаган гулим,
Пойига ёмғирдек сочилди дилим.
Лаҳзада бандига айлантирганим,
Мени таниш жайрон кўзлар унутди.



АРМОН ҲАҚИДА ШЕЪР

Аламдан кўксимга ботиб кетди ишқ,
Такдир болишларинг бунчалар ёмон.
Шунчалар азобли бўларми ёниш,
Шунчалар ёқимли бўларми армон.

Қадримни синдириб ташлагани рост,
Қалбимни синдириб ташлагани рост.
Дардимни билдириб яшагани рост,
Шунчалар захарли бўларми армон.

Тирноғимни сизиб ҳақиқат окди,
Диллаша олмадим дақиқа чопди.
Юрагим гулханда ўтиндек ёнди,
Шунчалар қаҳрли бўларми армон.

Сирларим шошдилар анҳорларига,
Жоним туташтирган баҳорларига,
Маҳзун наво бўлдим забонларида,
Шунчалар сеҳрли бўларми армон.

Соғинчдан ранги йўқ гулга ўхшадим,
Жаннатга туташган нурга ўхшадим.
Бир лаҳза капалак бўлиб яшадим,
Қаҳримни ўлдириб ташлади армон.



НЕТАЙ, СЕНДА СОҒИНЧИМ ҚОЛДИ

Сезмай қолдим, ғурурми рўё,
Ўзлимни торткилаб олди.
Ялпизларга бердим қалбимни,
Нетай, сенда соғинчим қолди.

Сўнг руҳимга айлаб тиловат,
Ҳижрон бўлиб жонимни олди,
Ўкинч дилга қилди ибодат,
Нетай, сенда соғинчим қолди.

Ўзимча бир оламга етдим,
Қадамларим узайиб толди.
Оқ гуллардек тўкилиб кетдим,
Нетай, сенда соғинчим қолди.



ИККИМИЗ

Иккимиз тақдирнинг тор йўлагидан,
Нур излаб оламга сиғмаган дилмиз.
Деворга чирмашиб, куёшни кутиб,
Куёшни соғиниб йиғлаган гулмиз.

Иккимиз дийдорнинг чегарасига,
Армонлар оралаб етмаган йўлмиз.
Айрилиққа тутиб пешонасини,
Қисматнинг кифтидан тўкилган кулмиз.

Иккимиз хазонлар шиварида жим,
Ноласи осмонга учган титроқмиз.
Иложсиз тақдирнинг йўлакчасига,
Бахт топмай тўкилиб қолган япроқмиз.

Кўнгилнинг кўчаси торайган,
Тўрт тарафим совукдан совуқ.
Дунёнинг ранглари қорайган,
Алангадан музлаб тушар чўғ.

Бунда ёлғончидир ҳарорат,
Исканжада овознинг шакли.
Кўзларимда тутқун муҳаббат,
Пешонамга ўлим сиғмайди.

Надоматда ёнар хотира,
Сукут бунда жон берар ҳорғин.
Тан ол. Жоним ҳалқобларида,
Бир пайтлар яшаган эдинг.



Қайсидир гўшада кимнингдир ёди,
Эзилиб йиғлайди, тунга осилиб.
Мудроқ шамолларнинг унсиз фарёди,
Кўксимга бўрондай келар бостириб.

Найга айланмаган қамишга дўниб,
Кузнинг даргоҳига кириб кетаман.
Жонимнинг мингинчи бўлаги бўлиб,
Хазонлар кифтига сингиб кетаман.

Юрагим шу фурсат оғир хўрсинар,
Гуллаб юборади жиндек яшасам.
Ҳаётнинг бандидан узилиб тушар,
Капалак умридек бекиёс лаҳзам.

Тиз чўкмайман ўтган кунларга,
Ўтиб бўлди, келмайди қайтиб.
Йўламасин менинг кўчамга,
Шамоли ҳам юрмасин дайдиб.

Сўрамайман ўтган кунларнинг,
Оламшумул қувончларини.
Юрагимда илдиздек отиб,
Ёйилгувчи қулочларини.

Эгилмайман, кетса кетсин жон,
Гаровга қўл тутавераман.
Берар бўлса ҳайрат, ҳаяжон,
Янги кунни кутавераман.



СИЗНИ АСРАСИН

Куяман булбулнинг хонишларига,
Бош қўйиб тақдирнинг болишларига.
Чидайман, кўнгилнинг ёнишларига,
Сизни гуноҳлардан асрасин Худо.

Ҳақ берган дардидан айланай ўзим,
Армонни куйдирсин оловли сўзим.
Дилга назар солган жайрона кўзим
Сизни гуноҳлардан асрасин Худо.

Интилсам, қўлларим осмонни тутса,
Вужудим сабрнинг гулобин ютса,
Кетсам, нигоҳимдан маъюслик ўтса,
Сизни гуноҳлардан асрасин Худо.

Мени йўқликлардан излайсиз гўё,
Бахтга эшик очмоқ истаган рўё,
Эй, менинг қалбимни тўлдирган дунё,
Сизни гуноҳлардан асрасин Худо.



ДУНЁЛАРДАН КЕТАДИ КЎНГЛИМ

“Келмоқдадир мен кутган мактуб,
Эҳтимол ошгандир довондан”.
Дунёларни айлабон маҳбуб,
Бир садо келади осмондан.

Борлик зарбоф либосга ботиб,
Кўмилиб ётади тасвирга.
Рухим ишқнинг нафасин тотиб,
Ёмғирга айланар, ёмғирга.

Борлиғимни чулғар бедорлик,
Олислайди руҳдан уйқулар.
Кипригимдан юмалаб кетар,
Юрагимда куйган туйғулар.

Еллар ҳавас қилар покликка,
Садокатим оқ- оппоқ гуллар.
Дақиқалар телба қалбимга,
Зорлик ила зорликни улар.

Самовотга бошини қўйиб,
Дунёлардан кетади кўнглим.
Ҳали ҳаёт тўхтамайди, йўқ,
Мендан мужда кутади ўлим.



БЕГИМ

Бешигимда ой ухлади, ой ухлади,
Қизғалдокнинг нафасидан келди унгим.
Бору- йўғим гулга тимсол ловуллади,
Ёндим бегим, шундай гўзал ёндим бегим.

Муҳаббатнинг гард инмаган осмонлари,
Жоним ичра экиб кетди райҳонларин,
Ваҳ, жонимни қирққа бўлди тўфонлари,
Тўфонларнинг исёнида қолдим бегим.

Етолмайин кўнглингизнинг кўчасига,
Олов бўлди жисмим олов ўртасида,
Тилаб олиб сизни қадр кечасидан,
Аламимни ёмғирлардан олдим бегим.

Гулдай умр банди бўлди надоматга,
Нетай, тақдир кўнмади-я адолатга,
Юрагимни қўйиб минг бир ҳижолатга,
Юлдузларнинг сафларига индим бегим.



УМИД ҲАҚИДА ШЕЪР

Кўнгилнинг эшиги ёпилар қаттиқ,
Кўнгилнинг қулфига тушмайди калит.
Соғинчнинг тиллоранг алангасидан,
Ҳар куни титроққа айланар умид.

Остонадан кетмоқ истамайди у,
Кўнгилнинг қаҳрига бўлади шоҳид.
Ҳар куни туғилиб, ўсиб, улғайиб,
Ҳар куни тупроққа айланар умид.

Кўнгилнинг эшиги ҳамон берк ва жим.
Ичкаридан садо янграйверар, - кет!
Ҳар куни ишқ бўлиб, ҳар кун бахт кутиб,
Ҳар куни хижронга юз тутар умид.

Кўнгилнинг эшиги очилмайди ҳеч,
Очилмоқ истамас бўлса ҳам таҳдид.
Ҳасадга юз очмай қилганча ҳавас,
Ҳар куни армонга айланар умид.

Ўзини йўқотиб қўймас барибир,
Вақтнинг тўфонига дош берар жим – жит.
Тупроқдан куч олиб, кўкдан нур олиб,
Еттинчи осмонга юксалар умид.



*Дилфуза Қосимованинг укалари Тўлқинжон, Ғайратжон,
Шуҳратжон ҳамда волидаи муҳтарамаси Ўктамхон ая
билан. 1986 йил. Қўқон.*




*Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон
халқ шоири Абдулла Орипов
билан. 2007 йил. "Зомин"
анъанавий ёш ижодкорлар
анжумани.*



*Дилфуза Қосимова волидаи
муҳтарамаси Ўктамхон ая билан.
2021 йил. Қамчиқ довони.*



*Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Эркин Аъзам билан.
2021 йил. Дўрмон.*



*Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон
билан. 2002 йил. Қўқон. Адабиёт
байрами.*



*"Бекажон" газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган "Маҳорат
мактаби"дан эсдалик. Халқимизнинг таниқли намоёндалари Ўзбекистон
халқ ёзувчиси Тоҳир Малик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият
ходими Турсуной Содиқова, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима
Худойбердиевалар билан. 2005 йил. Самарқанд.*



Ўзбекистон халқ шоири, "Эл-юрт
хурмати" ордени соҳибаси
Энахон Сиддиқова билан. 2021 йил



Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима
Худойбердиева билан.
2005 йил. Самарқанд.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик билан



2007 йил. Анъанавий "Зомин"
ёш ижодкорлар анжумани.
Ўзбекистон қаҳрамони
Абдулла Орипов,
Ўзбекистон халқ шоираси
Энахон Сиддиқовалар билан.

2007 йил анъанавий
"Зомин" ёш ижодкорлар
анжумани. Ўзбекистон
халқ шоири Сирожиддин
Саййид билан.



2007 йил. Анъанавий "Зомин"
ёш ижодкорлар анжумани.
Ўзбекистон халқ шоири
Азим Суюн, "Эл-юрт ҳурмати"
ордени соҳибаси, Ўзбекистон
халқ шоираси Энахон
Сиддиқовалар билан.



Гул жисмимни капалаклар Ватан қилди,
Бул ватанда ақли кўрлар яшамайди.
Гул жисмим-а тиконларни роҳат билди,
Бул роҳатлар, эй дўст, сенга ўхшамайди.

Қаро кўзим, дединг кўзим қаро бўлди,
Қароликдан кўз ёшларим дарё бўлди.
Дардинг билан оташин бир дунё бўлдим,
Бул дунёлар, эй дўст, сенга ўхшамайди.

Гуллайвердим, гул баргларим хазон энди,
Бул хазонлар ҳасратингда сарсон энди.
Саратон-у кўклам ўтди, мезон келди,
Бул мезонлар, эй дўст, сенга ўхшамайди.

Ишқ кўнглимга гулобини сочиб кетди,
Аразимнинг эшигини очиб кетди.
Хотирамга хаёлотинг кўчиб ўтди,
Хаёлотлар, эй дўст, сенга ўхшамайди.

Дўст. Кўнглингни тилаб юрган битта касман,
Даргоҳингда армон менга тош қалайди.
Учиб – кўниб, кўниб – учиб юрган хасман,
Ҳеч бириси, дўст, ўзингга ўхшамайди.



АЙТИЛМАГАН ЎЛАНЛАРГА ҚЎНАЛҒА ДИЛ

Синоатлар оташида ёмон ёндим,
Мендан олдин маҳшар сари кўнглим борди.
Дунёлардан дийдоримни тортиб олдим,
Фақат сизда юрагимнинг ҳаққи қолди.

Капалаклар, сизларга йўқ адоватим,
Ўзимники таъна- дашином, маломатим.
Ишқ илинжи олиб кетди ҳаловатим,
Фақат сизда юрагимнинг ҳаққи қолди.

Суманбар-у суманларга қўналға дил,
Сим – сим оғрик, гумонларга қўналға дил,
Айтилмаган ўланларга қўналға дил,
Фақат сизда юрагимнинг ҳаққи қолди.

Сирдошларим лолажон-у қизғалдоқлар,
Баъзан ростгўй, баъзан эса қув нигоҳлар.
Чечакларнинг бешигида чайқалганча,
Юрагимни улғайтирар нола – охлар.

Куяётган юрагимни ишқ жазолар,
Босай десам, куюгимга йўқ даволар.
Сезмай қолдим, қаён кетди дилимоҳлар?
Фақат сизда юрагимнинг ҳаққи қолди.



Асир бўлиб оқ тилакларга,
Ҳавас қилиб хур- малакларга,
Дил талпинган капалакларга,
Мен ўзимни тутиб боряпман.

Кишан тутиб занжирларидан,
Муҳаббатнинг манзилларидан,
Ишқсизларнинг кўнгилларидан,
Кўз юмганча ўтиб боряпман.

Баланд тутиб дил меҳробини,
Туйганимча ишқ гулобини,
Ҳовуч – ҳовуч изтиробини,
Қонгунимча ютиб боряпман.

Шамолларнинг овозасида,
Булбулларнинг гул нафасида,
Айрилиқнинг йўлакчасида,
Бир сўз демай кетиб боряпман.



Кўнглим суйган дилим оғди бегонага,
Бу юракнинг тугуни ҳеч очилмади.
Мен соғинган қорлар ёғди Фарғонага,
Мен соғинган гуллар қайтиб очилмади.

Дийдор, дея осмон қадар соғинч кетди,
Турналарнинг қанотида илинж кетди.
Бу турналар жим – жим кетди, бир тинч кетди,
Мен соғинган гуллар қайтиб очилмади.

Шодлигимни тутиб қўйдим уларга деб,
Сирларимни тўкиб қўйдим уларга деб,
Бир нималар илингандим уларга деб,
Мен соғинган гуллар қайтиб очилмади.

Умидларим ришта эди узилдилар.
Қайғуларим битта сафга тизилдилар.
Гул юраклар бирам ёмон эзилдилар,
Мен соғинган гуллар қайтиб очилмади.



ҚИСМАТ

Қисматим шамолдир, қисматим -ёмғир,
Қисматим -бир ҳовуч заъфарон хазон.
Қисматим -тепамда аза тутганча,
Йиғлаб туёлмаган бир парча осмон.

Қисматим баҳордир, қисматим куздир,
Дилимда минг ўлиб тирилган қадр.
Қисмат юрагимдан узилган сўздир,
Қисмат -вужудимга тикилган чодир.

Қисматим -ўзига тортганча мамнун,
Оёғи депсиниб турган учқур от.
Қисмат -борлиғимни айлабон афсун,
Қалбимда кўкарган қадим хотирот.

Қисматим умрдир, қисмат -бир ҳовуч,
Изимда умидвор мўлтираган тош.
Қисмат -юрагимга Оллоҳ берган куч,
Қисмат -руҳим узра ҳукмрон бардош.



Ким сув сепса, олов бўлдим ловуллаб,
Кўнгилларда офтоб бўлдим ловуллаб,
Капалақдан нафисликни ўғирлаб,
Атиргулдан уялишни ўргандим.

Ўз – ўзимга қолавердим тушунмай,
Не дилларга урилмадим яшиндай,
Қулагувчи деворларга ишонмай,
Ўз – ўзимга таянишни ўргандим.

Осмонимга юлдуз қўнди аламдан,
Тажрибасиз, содда, оми одамман,
Дуогўйим, чарчамаган онамдан.
Тажрибага суянишни ўргандим.



ДУНЁЛАРГА КЎНГИЛ ҚЎЙГАН ДЎСТ

Нигоҳларинг тошдан-да қаттиқ,
Этолмайсан муҳаббат тортиқ,
Айт, ниманг кибрдан ортиқ,
Дунёларга кўнгил қўйган дўст.

Ғуборларга кўмилган сийрат,
Улуғвормас ирода, журъат,
Шунчакидир сендаги хайрат,
Дунёларга кўнгил қўйган дўст.

Қанча қора кўзларни ёшлаб,
Кувонасан куёшдек яшнаб,
Нима топдинг дунёда яшаб,
Дунёларга кўнгил қўйган дўст.

Соғинишни қачон биласан,
Қачон меҳригиёҳ бўласан,
Кутаяпман, тавба қиларсан,
Дунёларга кўнгил қўйган дўст.



Дунёлар ғуборли, чанг, тўзон, ёмғир,
Факат битта жойга ғубор қўнмабди.
Ғуборсиз бағрингга бош қўйиб, эй дил,
Тан олдим -дарди йўқ одам қолмабди.

Сўзларнинг юкидан эзилар гардан,
Муштларда аламлар гулдор қонабди.
Безганча яшаш деб аталган шартдан,
Дунёда ақлли одам қолмабди.

Соясига сажда қилдирар малъун,
Кўксида шафкатдан ниҳол унмабди.
Кибрлар ўзини билгандан устун,
Дунёда қадрли одам қолмабди.

Кунларим ўтади оқармас косам,
Бир томчи меҳрдан ким ҳам ўлмабди.
Ер билан тенглашиб боряпти жуссам,
Баҳога арзирли одам қолмабди.



ЎН САККИЗГА КИРГАН ҚИЗ

Юракда бошланар оғриқ яширин,
Оху кўзларидан жой олар юлдуз.
Хаёллар ичига яшириб сирин,
Бедорликда яшар ўн саккиз ёш қиз.

Кўнгилда бошланар оғриқ яширин,
Уни тинч қўймайди илоҳий бир ҳис.
Гоҳи сирдошига ташлаб кўз қирин,
Беморликликда яшар ўн саккиз ёш қиз.

Қалбида бошланар оғриқ яширин,
Кўз ўнгидан кетмас нур таратган юз.
Ўзини топшириб узун ва ширин,
Хаёлларда яшар ўн аккиз ёш қиз.



КЎНГИЛ БАҲОРНИ СЎРОҚЛАР

Хазонрезги боғлар ортимда қолди,
Кетяпман, йўлларим тўла сўқмоқлар.
Вужудим хотира бағрида ёнди,
Алдамчи баҳорни кўнгил сўроқлар.

Олислаб боряпман боғлар тийрамох,
Хўрсинган оҳангда хазонлар сўзлар.
Булутлар ортидан мўралайди моҳ,
Бахтимдан фол очар гўё юлдузлар.

Йўл олис, елкамда эса зил- замбил,
Такдирнинг юк тўла оғир тўрваси.
Тобора ўзига томон чорлайди,
Бевафо, алдамчи баҳор нафаси.



ЧИН СЕВГИ

Баҳорнинг маъсума чечаги,
Тунларнинг сохира эртаги,
Ҳокисор қалбларнинг тилаги-
Чин севги...

Муз қотган дилтошин эритар,
Бир ширин азоби жон қадар,
Жисмни руҳ билан тарк этар-
Чин севги...

Мавжларга айланар хаёлот,
Бедарак кетади ҳаловат,
Очун узра қадим тилсимот-
Чин севги...

Дил торин чертади беизн,
Сездирмай сочади ёғдусин,
Туғилиб яшайди беисм-
Чин севги...



ЎЗБЕК АЁЛИГА

Умидлар ортига беркинган қуёш,
Миллионлаб музлаган дилни эритар.
Азизам, кўксингни шу қуёшга оч,
Илоҳий нур сени кўкларга элтар.

Атиргул кифтида яшнаган шабнам,
Гулнинг ифорида бахтиёр, масрур
Ўзингни шудрингга қиёсла, эркам,
Ундан-да юксакдир сендаги шуур.

Фақат ўксинмасдан яшамоғинг шарт,
Яшнамоғинг шартдир, яшармоғинг шарт.
Ғамларинг, дардларинг аслида буюк,
Улуғликка бошлар кўксингдаги шахд.

Қўркмасдан мардликнинг туғросин кўтар,
Пойингдан шижоат тўкилиб турсин.
Аммо, ўзлигингни англагин аввал-
Умидлар изингдан эргашиб юрсин.



Қўрғоним бор, пойдевори тошдан қаттиқ,
Қалдирғочлар садоқатдан қорган лойин.
Ким қандайин ният ила қадам босса,
Малаклари меҳмон кутиб толган уйим.

Кўнгил мушток тақдирнинг ҳар эҳсонига,
Ким бўлса-да эш бўлганча армонига,
Ҳавола деб ҳар инсоннинг виждонига,
Малаклари кулиб кутиб олган уйим.

Айвонларнинг пештоқида илинжим бор,
Шодликларим, армонларим, ўкинчим бор,
Деворларда неча йиллик ўтинчим бор,
Малакларга макон бўлиб қолган уйим.

Жон риштангиз бир учини мен тутайин.
Ўзим олай дардингизни қадргулим.
Унут, дейсиз, қандай қилиб унутайин,
Фаришталар макон қилиб олган уйим.



Қадр деб, қиммат деб сокин энтиккан,
Кўйида йиртилган жандаларимиз.
“Бер- бер” га молию- жонини тиккан,
Такдир мукофотин бандаларимиз.

Гарчи олов бўлса совумоғини,
Мук тушганча кутар таналаримиз.
Кутганча чалпаклар ёғилмоғини,
Такдир мукофотин бандаларимиз.

Баъзида истаклар шерга айланар,
Тоғларни йиқитар зарбаларимиз.
Умидлар маъсума дилга жойланар,
Такдир мукофотин бандаларимиз.

Фалакка йўл олар ҳислар, ўтинчлар.
Тўхтата олмайди далдаларимиз.
Соғинчдан соғиниб тўлар ҳовучлар,
Такдир мукофотин бандаларимиз.



Сенсизликда яшамоқнинг оғриқлари,
Оромларга етти ётми билолмадим.
Қофиясиз шеърлар тукқан юрагим-эй,
Сенсиз фақат оғриқ ютдим, ўлолмадим.

Сукунатнинг шамолига жоним тутдим,
Олов бўлмоқ истак эди, ёнолмадим.
Ўзлигимни дилсизлардан олиб кетдим,
Сенсиз фақат оғриқ ютдим, ўлолмадим.

Хур жонимга пайванд бўлди гул томчилар,
Гул қалбимни томчиларга беролмадим.
Қизғангандим, алдаб кетди алдамчилар,
Сенсиз фақат оғриқ ютдим, ўлолмадим.

Соғинишни менга хаёл ўргатдими,
Ёки ҳаёт ўргатдими, билолмадим.
Сенсиз яшаб бўлмас экан, жоним юрак,
Нима қилай, сенсиз ҳеч ким бўлолмадим.



Дардим билан қоврилганча яшадим жим,
Етти қават осмонларга дардим кўмиб.
Ҳақсизликнинг даргоҳидан ўксинганча,
Кетаяпман кўзларимни юмиб- юмиб.

Кимлигимни айтгим келмас ҳеч бандага,
Макон бўлсам ўз бағрига сир беркитган.
Бунчалар ҳам зор бўлмаса дил далдага,
Ҳар бир тонгда умидларга илҳақ ўтган.

Илинжларнинг остонаси тилломикин,
Кумушми ё олмосмикин зангўласи.
Барчасини сездирмасдан билгим келар,
Учқунлардан олов бўлгач дил ноласи.

Таскин излар дард тийғида қуйган қалбим,
Тасаллига бунча муштоқ ожиз юрак.
Изтиробдан “лаззат” олиб кулар лабим,
Тополмагач даргоҳидан кулдан бўлак.



ТҶРТЛИКЛАР

Кўнгил эркинликда худога етар,
Мен кутган кузаклар келади такрор.
Хали япроқчалар афсунлар айтар,
Гўзал соғинчимга айлангач бахор.

Сенинг ёдинг гўзал, сийратинг гўзал,
Азалдан гўзалдир ёркин хотиранг.
Дилни ориф этган хайратинг азал,
Табиатим аро юксалган оҳанг.

Сен қишсан қорига кўнгил беланган,
Узун йўлақларда хориған умид.
Қисмат афсунидан юлдузлар тўкиб-
Ва тошга суврати сингиган зоҳид.

Бу кўнглимга осмон сиғди, лекин ўзим
сиғмадим,
Минглаб сатр сиғди, аммо битта сўзим сиғмади.
Суянганим тоғ бўлмади, суянганим дил бўлди-
Гул кўнглимни қонга белаб ўзим ёмон йиғладим

Гул каби ифорин таратган,
Дийдорга ошиқман, дийдорга.
Ғафлатдан борлиғим уйғотган,
Иймонга ошиқман, иймонга.



Гўзал дуолардан юксалар рухим,
Ўша юксакликда бахт бор, биламан.
Дилимдан шукуҳ-ла жон берган куним,
Раббим, хузурингга чошиб бораман.

Эй ишк асираси, кўзларингни оч,
Чап ёнингда ташвиш, ўнгида қувонч.
Сенинг рухинг билан яшамас ҳеч ким,
Сен рухингга бахш эт эътикод, ишонч.

Ошиқлик йўлидан боргувчи бахтман,
Бу йўлда ноҳақмас, аслида ҳақман.
Ҳақнинг дийдорига ошиқ-у маҳтал,
Ишқнинг дийдорига интиқ, илҳақман.



Кўлларингдан ичган сувим ҳалол эди,
Умидингда кечган ўйим ҳилол эди.
Шараф отлиқ дунёларга кўл силтадим,
Хузурингда кўрганларим малол эди.

Рухимга бир юк тушди-я жон оғритар,
Рух юкини кўтаргани жон оғринар.
Ҳақиқатнинг кўзларига илҳак бўлган,
Нигоҳ оғир забонимга гунглик инар.

Ўйламагин сен ҳақдамас бу ўйларим,
Ерда йўқдир, осмондадир ҳақгўйларим.
Сен ўйлама, мен шунчаки йиғламадим,
Йиғламоққа кўз ёшларим увол энди.

Эҳ, сабрнинг эртаклари узун экан,
Мен шунча йил яшадима қандай беғам.
Тугамайди, минг бир кеча ҳеч гап эмас-
Эҳ сабрнинг эртаклари узун экан.



Кундан-кунга узаяди бахтнинг умри,
Куртак отар ўксиб, йиғлаб ётган чечак.
Кўзларингдан паноҳ топган бахт учкуни,
Бир кун келиб оловларга айланажак.

Бир кун келиб гунг дунёлар тилга кирар,
Каломидан ярим қалбинг тўлар бешак.
Бир чеккада мунғайганча кулган тақдир.
Бир кун келиб шамолларга айланажак.

Бир кун келиб сен ўзингни излаб кўрсанг,
Ўзлигингни макон қилар ўзга юрак.
Армонлардан сенга эртак тўкиб бериб,
Ўзинг кутган оламларга айланажак.



Ҳайратим ичимда, дардим ичимда,
Ҳасратим ичимда, зарбим ичимда,
Ўзимдан ўзлим соғинавергач,
Англадим, энг буюк қадрим ичимда.

Кўксимни ёрсалар қизғалдок бўлар,
Қизғалдок дардига ой гувоҳ бўлар,
Буни бир Худо-ю, битта дил билар,
Барча шижоат-у аҳдим ичимда.

Ёниб кутмоқликнинг завқи бўлакча,
Завқнинг эгизаги, шавқи бўлакча,
Соғинчдан соғинчнинг фарқи бўлакча,
Бир умр соғинган бахтим ичимда.



АЛЛА

Соғинчлардан тоғдек қаддим қолган чўкиб,
Гул кўнглимда гунча тугар орзуларим.
Оҳангидан қоялардек савлат тўкиб,
Ором олган арслонларим, оҳуларим.

Эзгуликка абадият муштаракми,
Тирикликнинг сувин ичар бедор юрак.
Наволари хуш кунлардан хуш даракми,
Самимият ичра кезар ойдин тилак.

Вужудингга ҳар сатридан олов инар,
Нафосатнинг алвон рангдир камалаги.
Умидларнинг гунчасида шабнам гуллар,
Учиб юрар унда бахнинг капалаги.

Унда онам нафаси бор райҳон бўйлик,
Унда момом садосининг кадри янграр.
Минг йилларки, бир парча қалб топган бойлик,
Минг асрлик халқ кунига минг йил ярар.



Ҳайр бордир ҳар эртанинг кечиди,
Не қудрат бор имонингиз кучиди,
Қалб аталмиш қўрғонингиз ичиди,
Болам, деган дардингиз бор, онажон.

Тонглар сира сиздан эрта отмаган,
Гул қалбингиз фаришталар ўпмаган,
Мингта эркак истаса-да топмаган,
Арслон қадар шахдингиз бор, онажон.

Сизда не ўй, болангизда ўй бўлак,
Сайрар бўлса булбулларда куй бўлак,
Райҳон бўйли меҳрингизда бўй бўлак,
Райҳон бўйли меҳрингиз бор, онажон.

Етти қават фалакдан-да юксагим,
Эътиқодим, ишонч, иймон, тиргагим,
Қадр не, деб, болангиздан сўрса ким,
Осмон қадар қадрингиз бор, онажон.



Дил кўзгусин чертганича янграр алёр,
Юлдузчалар ухлар, кўнгил мудрамайди.
Тугатишга уринсанг-да такрор-такрор,
Болаликнинг эртаклари тугамайди.
Эзгуликнинг йўли ойдин, умри узун,
Соғинчларнинг саҳросида дил чўллайди.
Болаликнинг эртаклари бирам маҳзун,
Ёвузликнинг дарахтлари гулламайди.
Олиб кетар саройига шахзодалар,
Оқ отларин қанотида бахт гуллайди.
Олисларда висол базмин куйи тинар,
Болаликнинг эртаклари тугамайди.
Дил ёнади, тафти меҳр улашади,
Кул бўлмоққа телба кўнгил унамайди.
Ялмоғизлар йиғлаб ҳурлар кулишади,
Болаликнинг эртаклари тугамайди.
Вақт ўтади, лаҳзаларга тобеъ умр,
Тобеликка озод кўнгил чидамайди.
Умр китоб- сатрларга беркинар сир,
Болаликнинг эртаклари тугамайди.
Эҳ... Болаликнинг эртаклари тугамайди.



Дил оғрикдан безиллаб кетди,
Йиғлади-ю кўз ёшлар пинҳон.
Шундай оғир синов олдида,
Ўзинг қўллаб тургин, Художон.

Менинг йўлим -армон дараси,
Омон ўтмоқ энг катта гумон.
Кўзларимда ўкинчининг расми,
Ўзинг қўллаб тургин, Художон.

Ёнмоқликни бахт, дея билдим,
Эзгуликнинг манзили осмон.
Ул осмонда ой бўлгим келди,
Ўзинг қўллаб тургин, Художон.

Ишқ исмини юракдан айтсам,
Ишқ, деб ўлмоқ мен учун иймон.
Ул ишқ кадрин англамоғим чун,
Ўзинг қўллаб тургин, Художон.



Армон билан бўлдим юзма-юз,
Юрак қанча фиғон ютмади.
Соянг билан юрдим изма-из,
Соянг мени ташлаб кетмади.

Ёлғизликда далдалар кутдим,
Шароб мисол зардалар ютдим.
Англамадинг, мен илдиз отдим,
Соянг мени ташлаб кетмади.

Осмонингга талпиндим ғурур,
Юлдузларга сингиб кетди нур.
Зиё янглиғ тўкилди кўнгил,
Соянг мени ташлаб кетмади.

Умид исмин ёздим кўксимга,
Илинжимни осдим кўксимга,
Сувратингни босдим кўксимга,
Соянг мени ташлаб кетмади.

Деворлари метин ишончнинг,
Эшигини чертдим ишончнинг,
Этагидан тутдим ишончнинг,
Соянг мени ташлаб кетмади.



Ғурур -осмон, дил -афгон,
Қийноқларда титрар жон,
Ўтган йил-у, ҳар бир он,
Оташидан из қолди.

Иши ўйин кўнгилнинг,
Иши қийин кўнгилнинг,
Бахтга лойиқ кўнгилнинг,
Баҳоридан куз қолди.

Синов ўнг-у тушимда,
Заҳар бор ишқ нишида,
Юракнинг ич-ичида,
Дилим, деган сўз ёнди.

Баҳо кўяр рухга дард,
Қадр истар муҳаббат,
Икки қалбда тоабат,
Оташлардан муз қолди.



Яхши дўстнинг дийдори азиз,
Тўлин ойдек ёруғ, мунаввар.
Яхши дўстнинг кўнглидаги ҳис,
Ҳаётингда бўлади машъал.

Яхши дўстнинг виждони уйғок,
Мудрамоқдан ҳоли иймони.
Билсанг, чин дўст сен учун маёқ,
Сенга раво кўрмас шайтонни.

Яхши дўстнинг изларидан юр,
Этагидан тутгин эринмай.
Кўлларин ўп, пойин қил тавоф-
Яхши дўст чун чин дилдан жилмай.

Яхши дўстга жон бермоқлик бахт,
Жон бўлмоқлик саодат, шараф.
Яхши дўстнинг қалбидаги тафт,
Ҳисларингга беради рағбат.



Кўнглингизни эзгулик,
Кўчасига бошланг, дўст.
Бу беш кунлик дунёда,
Дийдор, дея яшанг, дўст.

Ғафлат боссин айрилиқ,
Сувга чўксин ҳижронлар.
Меҳрнинг риштасига,
Ўзин оссин армонлар.

Сиз бахт, дея югуринг,
Чопингиз ишқ ортидан.
Ғурурнинг бандалари,
Тушиб келсин отидан.

Кўксингизни тўлдирсин,
Кўнглингизни тўлдирсин.
Кувончнинг гулдуриси,
Уйингизни тўлдирсин.

Ёнинг меҳр тафтидан,
Оташидан куйингиз.
Жонларга жон риштасин,
Улаш бўлсин ўйингиз.



Кенг дунёлар торлик қилди дилга эссиз,
Тор дунёдан марҳаматлар кутдим чексиз.
Менга берган озорларинг жондан азиз,
Қўлга ботган тиконингдан йиғладим, гул.

Ким менга дўст, ким душманам, англадим кеч,
Ҳақ йўлини кўрсатдилар юрмадим ҳеч.
Ўз қонимга ташна қилди бир қаро куч,
Ҳасратларда ифорингни туймадим, гул.

Қўй ҳаммасин, кўнгилчангни хушла, деди,
Дунё беш кун, ўйнаб –кулиб яша, деди,
Ишончингни оловларга ташла, деди,
Мен уларнинг гулханида куймадим, гул.

Соғинч билан айтдим ўлан, аллаларни,
Юрагимда улғайтирдим нолаларни,
Муз кўксимга босдим райҳон, лолаларни,
Мен ҳеч кимни ўзингчалик суймадим, гул.



Кенг дунёнинг торлигин,
Худойимнинг ёрлигин,
Кўксимда қалб борлигин,
Билдирганим –душманим.

Азиятга қўл бериб,
Матонатга йўл бериб,
Оташида кул қилиб,
Куйдирганим – душманим

Қўл силтатиб дунёга,
Кўз тиктириб фанога,
Тухмат, деган балога,
Суйдирганим – душманим.

Жудо қилиб боримдан,
Рохатланиб зоримдан,
Муштдеккина жонимдан,
Тўйдирганим – душманим.



Барчасини умиддан бошланг,
Дилга умид гулларин тўшанг,
Оташида ёнганча яшанг,
Сизга меҳр берган гул учун.

Йиғланг, майли кўзлар қорайсин,
Қувончларнинг чизганча расмин,
Яшаб беринг муҳаббат фаслин,
Сизга меҳр берган кун учун.

Рух аслида меҳрга илҳақ,
Матонатга, сабрга илҳақ,
Бир ховучлик қадрга илҳақ,
Кўнглингизга инган нур учун.

Ўйланг, аввал тафаккур этинг,
Худбинликни буткул унутинг,
Барчасига ташаккур айтинг,
Сизга имкон берган йўл учун.



Умидларинг осмонингда тўлиб турса,
Соғинчлардан юраккинанг ёниб-қуйса,
Қанча кутсанг, кутмоғингга арзир бўлса,
Кўзинг учса, яхши дўстга кўзинг учсин.

Бу ҳаётнинг ярми рост-у ярми ёлғон,
Ёлғонларнинг қозонида коврилар жон,
Кимдир ҳаққа тўн бичади нархи осмон,
Ишинг тушса, яхши дўстга ишинг тушсин.

Илингани самимият тўла суҳбат,
Кибр уни енгмоқликка этмас журъат,
Садокатнинг этагини этгин-у банд,
Яхши дўстнинг хайратлари сенга кўчсин.

Хаёлингиз анҳорларидан,
Тўхтов билмай оқиб келяпман.
Шовуллаган ўрикзорларга,
Мен жонимни қоқиб кетяпман.

Бўса тутиб гул юзларига,
Соғинчларнинг денгизларига,
Дарахтларнинг илдизларига,
Сирларимни экиб кетяпман.

Гаров ўйнаб чарчар юрагим,
Кўксим тирнаб, санчар юрагим,
Ўзин қонин ичар юрагим,
Оловларда гулдек ёняпман.



Йиқилсам ушловчи тиргагим,
Суянчада тоғдан-да юксагим,
Фирокда улғаяр юрагим,
Кўнглимга яқинсиз, одамлар.

Тоғдек дард эзади жисмингиз,
Кўнглимни уйғотар ҳиссингиз,
Покликка ундайди севгингиз,
Қувончим, дардимсиз, одамлар.

Қисмати фанога туташган,
Хаёли дарёга тенглашган,
Зулматда зиёлар улашган,
Тўхтовсиз оқимсиз, одамлар.

Хушомад изидан чопмадим,
Дийдор эшик очди, ёпмадим,
Бир умр истадим, топмадим,
Излаган бахтимсиз, одамлар.

Сиз жонга уланган риштасиз,
Соянгиз кўнглимга солар из,
Дунёда йўкотган энг азиз,
Қимматли кадримсиз, одамлар



МАКТУБЛАР СОҒИНЧИ

Учиб келар мактублар йўқ кутай десам,
Кафтларининг хидларини туяй десам,
Ҳар сатрига соғинч экаб қўяй, десам,
У замонлар ўтиб кетди, ўтиб кетди.

Ҳар бир сўзи дил малҳами, меҳр эди,
Зарварақлар ичи тўла сеҳр эди,
Қадриятлар кўнгил учун муҳр эди,
У замонлар ўтиб кетди, ўтиб кетди.

У замоннинг шамоллари учқурмиди,
Дил тубида кадр ўрни чуқурмиди,
Қизлариям, паримиди ё хурмиди,
У замонлар ўтиб кетди, ўтиб кетди.

Ҳовурлари босилдими қайноқ ҳиснинг,
Бугун васли армон бўлди кулган юзнинг,
Бир чеккасин дарз кетказиб кўнглимизнинг,
У замонлар ўтиб кетди, ўтиб кетди.



Гўзалсиз, дейишди тоғдек юксалдим,
Кувонч уммонида суздим бахтиёр.
Кибрнинг бағрида қакшатганим-чун,
Кўнглим, сендан узр сўрайман минг бор.

Чиройлисиз, деган таърифлар билан,
Нозик жисмим узра осишди шиор.
Сенга оғир юкни илдим индамай,
Кўнглим, сенга фақат илиндим озор.

Аслида, энг гўзал гул бу - сен эдинг,
Латофат, назокат ила улуғвор.
Сенинг дилбарлигинг кўрмаганим чун,
Азиз кўнглим, мени кечиргин минг бор.

Ажаб савдолар келмайди кўнгим,
Асирлик бағрига умидим сингар.
Ҳадсиз босимлардан толиққан кўнглим,
Дунён азимнинг ҳажрида йиғлар.

Энди хитобларга кўнглим бўйсунмас,
Энди ёнгим келмас гулханларида.
Буни осмон сезмас, буни ер сезмас,
Илинжлар гуллайди гулхан бағрида.

Энди тўкилмайман гулбарглар каби,
Энди ёмғир каби майдалашмайман.
Қадрин улуғлайман хастадил қалбни,
Бахт улашгайман-у бахт талашмайман.



Мард кам, дединг. Мард бўлгим келди,
Борлигимни гаровга қўйдим.
Ҳаёт, сенинг қиморларингга,
Мен кўнглимни бой бериб қўйдим.

Эй, дедим-у не бўлса бўлди,
Бир бошга бир ўлим ҳақиқат.
Лек, ўлимни тан олгим келмай,
Ожиз кўнглим синдирдим фақат.

Нетай, дилим йиғлади юм- юм,
Шафқатсизлик кўлига чўкдим.
Юрагимга таскинлар тилаб,
Илинжларим индамай экдим.

Эхх, мард бўлмоқ истаган эдим,
Юрагимни бой бериб қўйдим,
“Меҳмон туйғу” ўйинларига.



Товонимни қонатди янтоқ,
Сармаст қилди гулин ифори.
Шу янтоқдек ҳокисор, муштоқ,
Ер остида отам дийдори.
Қадр ҳаққи, қадр киймати,
Баҳоласанг, осмондан юксак.
Қадр билан эгиз бўларкан,
Ер остига кўмилса юрак.
Тупроқ менга нақадар яқин,
Тупроқ менга шунчалар азиз.
Ахир отам унинг бағрида,
Мангу ором сари чўккан тиз.
Отам берган ҳислар мен билан,
Бугун ўлмай тоғдек юксалар.
Жисми ерда бўлса ҳам аммо,
Руҳи кўкдан назарин солар.
Мен онамга ўхшайман асли,
Лек, отамга тортган феълларим.
Отам қабрин яшнатган гуллар,
Ифордингиз маст қилди кўнглим.
Отам жисмин сизга топширдим,
Мен ишондим, руҳин худога.
Ёлғизланиб колмасин, дея-
Ҳокисор қалб чопар дуога.



ЮЗИМГА ЭШИКЛАР ЁПГАН ОДАМЛАР

Сизга на қаҳрим бор, на ғаразим бор,
Сиздан на гинам бор, на аразим бор,
Сизга илинганим меҳр дарсим бор,
Юзимга эшигин ёпган одамлар.

Куйган кўксингизда аламлар изи,
Пойингизда яшнар алаф илдизи,
Менга сизни берди тақдирнинг ўзи,
Юзимга эшигин ёпган одамлар.

Қаранг, дунёларга хўп ярашасиз,
Ғамбода дунёда бир хархашасиз,
Сира ўзгармайсиз, ҳамон ўшасиз,
Юзимга эшигин ёпган одамлар.

Ёдим осмонига юлдуздек кўнган,
Шуъласидан кўнглим ёришган, ёнган,
Аслингиз ортига “биров” беркинган,
Юзимга эшигин ёпган одамлар.



Мен жуда ўжарман, вақт каби қайсар,
Ё мендан андоза олганми ғурур.
Шаҳдим қаршисида бошини эгар,
Сабр оташида тобланган кўнгил.

Мен жуда қайсарман, вақт каби ўжар,
Дилимнинг рангини гуллар билади.
Қўқон шамолидан юксалган дарахт,
Сизга кимлигимни айтиб беради.

Ёдимни сўраманг баҳордан, куздан,
Мени соғинмокқа ҳақсизсиз асли.
Менинг кўрслигимдан йиллаб музлаган,
Қалблар уволида бор ишқнинг расми.

Мен ана шунақа қайсар, ўжар, кўрс,
Ўқинчлардан таскин излаб юраман.
Етар, бўлди, дейман. Энди умид уз,
Аммо, соғинчларга қуллуқ қиламан.



Сенга илингандим, увол бўлди сўз,
Сўзимнинг кадрили лойга беладинг.
Дилимни огритган эй, дилозор дўст,
Дилим оғриғини қайдан билардинг.

Мен сендан дунёмас, ишонч сўрадим,
Ишончга нарх қўйиб осмондан келдинг.
Қўлларим етмасди ахир самога-
Дунёнинг қарзини бўйнимга илдинг.

Қоғозда гуллаган битикларимни,
Юрагимни тирнаб, конатиб ёздим.
Қалбнинг кўзларини чирт юмиб олдинг,
Ипак ришталарга биллурлар осдим.

Нахотки кўрмадинг қуёш нурида,
Заррин шуълаларга меҳрим тўкилди.
Сийратинг жойланди қалбим тўрига,
Кувончим, илинжим, дардим юкинди.

Сенга илингандим соғинчимни дўст...



Йиллар мени савалади. Чидадим,
Меҳр билан эркаласа кулдим жим.
Сабоғидан вужудимга гул экдим,
Мен йилларнинг кафтларида улғайдим.

Зарварақлар битилдилар бандма- банд,
Юрагим-ей... оғриқлардан тўкилди.
Йиллар менга тутказдилар муҳаббат,
Изтиробдан юзларимга нур инди.

Йиллар мени соғинчларга элтдилар,
Мен умримни эзгуликка атадим.
Умидларим қанот қоқиб елдилар,
Лаҳзаларга ёш боладек алдандим.

Мен йилларнинг қозонига тўкилдим,
Қовурилдим, лекин ёниб битмадим.
Йиллар мени элагида элади,
Сараландим, лек тўкилиб кетмадим.

Ким бўлмокни ўргатдилар йиғлатиб,
Йиллар менга кимлигимни англади.
Забони йўқ юрагимга тил битиб,
Қарқуноқдан охир булбул сайратди.



Умид кўксим ичра бир чакмоқ чакди,
Оламни ёритар бир олов ёқди,
Кўксимдан кўз қадар хисларим окди,
Илинж осмонининг зухроси бўлдим.

Тафтидан муз қотган бахтлар эриди,
Аҳдларим эриди, шахдлар эриди,
Қовжираб қакшаган дийдор кел энди,
Илинжлар даштининг саҳроси бўлдим.

Мендан ётсираган туйғулар бисёр,
Беркиниб, қимтинган кулгулар бисёр,
Бир томчи меҳр, деб мушток-у бедор,
Илинж чолғусининг навоси бўлдим.

Мен бахтга ўхшайман шаффоф ва ёруғ,
Менинг нафасимдан гуллар унади.
Чечак дудоғида тутганича бол,
Изимдан мўлтиллаб, йиғлаб қолади.

Мен бахтга ўхшайман шаффоф ва ёруғ,
Тонглар кафтидан сув ичган шабнамман.
Кимнингдир кўксини чакмоқдек ёриб,
Кимнингдир кўксини музлатган ғамман.

Мен дардга ўхшайман мисли чирмовуқ,
Илашсам, қўйвормай ёмон севаман.
Сабр асли менга хайкал қўяди,
Умидни оғринмай кутавераман.



Кимнингдир ёдига қўнмоқ истадим,
Қўним топиб сувдек тинмоқ истадим,
Басавлат чинордек унмоқ истадим,
Қушдек учиб кетгач хотираларим,

Бирдан ёпиб қўйди эшигини бахт,
Тўхтатди дилнаво қўшиғини бахт,
Дардин тингламади ошиғини бахт,
Дилдан кечиб кетгач хотираларим,

Ҳажрнинг дорига илинжим илдим,
Ўкинчлар кифтида тирилдим, ўлдим,
Ўтинчлар бағрида таланчи бўлдим,
Дилдан кўчиб кетгач хотираларим.

Кўксимга бир осмон дарди ўрнашди,
Кўксимни йиртишди, ўйиб, тирнашди,
Соғинчи бир ёмон- ёмон илашди,
Дилдан ўчиб кетгач хотираларим.



Атиргул ифори севгимдан дарак,
Капалакдек жоним унга муштарак,
Кўнглимда яшайди бир улуғ тилак,
Кўмсангиз - жисмимни ишққа кўминглар.

Мағрур қоялардек юксалиб борай,
Бургут бўлиб борай, оловдек ёнай,
Жаннатдан хушхабар берган шамолдай,
Ёдимни анвойи мушкка кўминглар.

Лаҳзалар жонимга тикиб борар дор,
Ризолик боғидан илинжим бисёр,
Мен учун янграсин энг гўзал алёр,
Кўнглимни бахт, деган кўшкка кўминглар.

Ўтайин малакка ё ҳурга ўхшаб,
Иймон нурин топай дунёда яшаб,
Ёдингиз айвонин кетмайин ташлаб,
Уйғонмок бегона тушга кўминглар.



Сиз беморсиз ўз жонига қасд қилган,
Ўз нарҳини ҳар нарсадан паст билган,
Ўзлигига адоватни дўст билган,
Ҳасад учун роҳатидан кечганлар.

Ўзингизга ўра казиб, чоҳ казиб,
Ютқазсангиз тан олмайсиз ютқазиб,
Бир жонингиз минг жабборга тутқазиб,
Ҳасад учун роҳатидан кечганлар.

Фиску-фасод ўраб олган ёдини,
Гуноҳ сари чоптирганча отини,
Билмайсизда, саодатнинг тотини,
Ҳасад учун роҳатидан кечганлар.

Тош-тиканли сўкмоғи бор ҳаётнинг,
Эрта- индин синмоғи бор қанотнинг,
Ўзингизни бургут билиб, сор билиб-
Кибр-у ҳаво осмонида учганлар.

Ўз қалбимга бердим битта саволни,
Нелар безар ул ноъма-ю аъмолни,
Ёт кўчага бурдим охир ҳаёлни,
Юрагимнинг кўзларини очганлар,
Ҳасад учун роҳатидан кечганлар.



Юрагим остида ниш урар ҳавас,
Забонимдан учар муқаддас баёт.
Гулзорингдан энди армонлар эмас,
Бир кучок атиргул терайин, ҳаёт.

Ифори майлига маст қилсин мени,
Нозик хилқатларга дўст қилсин мени.
Ҳасратдан ёриқлар битган кўнглим бор,
Ёриқлардан ёник ҳис унсин энди.

Япроқдек тўкилиб чарчадим, рост гап,
Китобдек титилиб ташландим, рост гап.
Аммо, битикларим эскиргани йўқ-
Фалсафам қаддимни туради ростлаб.

Мен битта илмман, муқаддас илм,
Мени англамоққа бутун қалб керак.
Ҳаёт сендан жиндек меҳр кутаман,
Фалакдаги нурга илҳақ заминдек.

Юрагим остида ниш урар умид,
Нозик куртаклардан ғунчалар меҳр.
Ана шу меҳрга лойиқ бўлишга-
Ҳаётим имкон бер, имконият бер.



Оймомажон эшитади тилагимни,
Илинждан дил йўлагини ёритаман.
Катта ташвиш юки эзган юрагимни,
Болаларча фикр билан овутаман.

Оймомажон майин силар юзларимни,
Оймомажон эртакларин соғинаман.
Танчасида тоблатганча ҳисларимни,
Такдирнинг гул рўмолини ёпинаман.

Кулгуларим кўзгу каби чил- чил синар,
Жарангидан биргалашиб тўкиламан.
Юзларимга ойга эгиз гул нур инар,
Борган сари шафақ сари юкинаман.

Ул шафақда соғинганим кадрият бор,
Ўзагидан моҳиятни суғураман.
Бунда фақат азалият, аслият бор,
Аслиятдан яна қайта туғиламан.



Эшигида музлаб, тонгдек бўзаради,
Қувончларга чиндан маддох бўлган умрим.
Назаримда ёруғ дунём ўзгаради,
Осий жоним умидларга осган қуним.

Тақдирнинг тош елкасига суянаман,
Юзим босиб хотиранинг юзларига.
Томиримга илинжлардан қон қуяман,
Ишончларнинг ганжи инар кўзларимга.

Мен яшайман, суза бошлар руҳим билан,
Хаёлотнинг чегарасиз соҳиллари.
Соҳира ишқ мунгдан мунгли айтгач ўлан,
Уйғонади хаста дилнинг соғинчлари.

Айтгим келар ичимдаги сўзларимни,
Товушларим уммон аро чўкиб борар.
Осий жонга беркитаман ҳисларимни,
Туйғуларим тунга машъал юлдуз бўлар.



Йилларнинг кўлида музлайди дийдам,
Йўқолган қадрият излайди чора.
Музлаган кўксимни осмонга тутсам,
Ўкинчлар ўзини этар ошкора.

Йиллар соясида кетиб борар сир,
Лаҳзалар тилида нграйди оят.
Бир кун очилмокни ҳақиқат билиб,
Ишонч саодатга берар қафолат.

Бунда осмон яқин заминга қадар,
Жонимни симобдек ўяди тақдир.
Энг ёруғ юлдузни кўксимга қадаб,
Руҳимни алқаши ёлғончи бахтдир.

Кузда менинг хотиротимда,
Хастагина умидлар гуллар.
Кўкси осмон қадар юксалган-
Дарахтларга ҳавасим келар.

Гулбаргларда гина, ҳасад йўқ,
Ҳар он само билан тиллашар.
Бир- биридан қизғанмас меҳр,
Истаганча кадр улашар.

Бахт илиниб чарчамас улар,
Япроқлардан ёғилади шахд.
“Соғинчимдан гуллаб юборар”
Менда ҳавас уйғотган дарахт.



Юзимга эшиклар ёпилар қаттиқ,
Эшикнинг ортида мўлтирар меҳрим.
Совуқ қарашларнинг совуқ тафтидан,
Оғрикдан оғриниб музлайди кўнглим.

Шиша синиклардан тирқирайди қон,
Саодат нурига илҳақдир борлик.
Менинг юрагимдан отилар вулкон,
Ғуссадан илинжнинг ранглари совуқ.

Совқотиб кетаман вақт ўтган сари,
Музлаган кўнглини илитолмас нур.
Териб ололмагач увол лаҳзани,
Жимгина меҳробга юзланар кўнгил.

Қалби гўё уммонга ўхшар,
Ул уммондан ташна сув ичар,
Юрагида жўмардлик яшар,
Айбини тан олган мардларни.

Томчилабон йиғилар сабр,
Ифорини таратгай меҳр,
Сабри охир айлагай қадр,
Айбини тан олган мардларни.

Дунёси бор осмон каби кенг,
Қаноатга тутиб турар енг,
Дунёсига яқинрок келинг,
Айбини тан олган мардларни.



Менинг учун жоним-халагим,
Қироличам,гулим, малагим,
Тошланмасин ҳалим юрагим,
Ҳайратимни асра, Худойим!

Залолатли хаёлотлардан,
Қаҳри каттиқ маломатлардан,
Адоватлар, надоматлардан,
Фикратимни асра, Худойим!

Умр узун, сўкмокли йўлак,
Умр ёруғ, сеҳрли эртас,
Қўлларимда улғайсин чечак,
Қисматимни асра, Худойим!

Саодатга илҳакман, зорман,
Ким учундир сир-у асрорман,
Сабр узра тикилган дорман,
Сийратимни асра, Худойим!



Кўхна озорлардан юксалди сабр,
Кимдир игна санчди “меҳр”деб каттик.
Игнадан томирга қуйилди захр,
Заҳарни қалбимга айладим тортик.

Бўшликда беркиниб турди хавотир,
Тирналган кўксимни тилди хавотир.
Жонимнинг минг битта ҳужайрасидан-
Ҳақ сари нигоҳин тикди хавотир.

Учкунлар оловга айланавергач,
Хатоим “ўзим”ни унутиб қўйдим.
Ҳадсиз азоблардан куч олавергач,
Бардошнинг қўлида юсалди руҳим.

Мен қуйилиб кетдим сассиз симобдай,
Сингиб кетдим томир,нафаслар аро.
Бу беозор жонни маҳзун қамадим,
Ишқ дилни банд этган қафаслар аро.

Мунчалар аччикдир тақдир куюги,
Куюнчдан қақшади хотиротларим.
Ҳаққа илҳақ бўлмиш дийдорнинг юкин,
Фахрла елкамга ортиб яшадим.



Кўнглим осмон эди, ҳувв ўша осмон,
Бағрини бахш этган лочинларига.
Қирмизи гулобдай тўкилдим ишон,
Маҳзун лаҳзаларнинг гулгун бағрига.

Эртамнинг кўксини илитди офтоб,
Қоронғу тийнатим ёритди офтоб,
Бу кайсар руҳимнинг йўллари узра,
Музлар қаҳқашонин аритди офтоб.

Яшамок завқидан уйғонди юрак,
Яшамок дардидан тўлғонди юрак.
Залворли юкини армонга ортиб-
Ҳақ сари бормокни тан олди юрак.

Кўнглим осмон эди, эҳҳ бир замонлар,
Сорларга бағрини жим тутиб берган.
Йиллар элагида эланган онлар,
Бугун фаромушлик комига кетган.



Учирамиз фурсатни гулдек,
Умримизнинг довулларида.
Бўйсунамиз, иложсиз кулдек,
Тиғиз вақтнинг қонунларига.

Азал, абад қисматимиз шу,
Қисмат ичра гунгмиз, забунмиз.
Юракларнинг остида мангу,
Қолиб кетиб чиқмаган унмиз.

Лаҳза бизни кузатгувчи дўст,
Лаҳза бизга ҳамдард, ҳамсоя.
Имкон бўлса аямай урган,
Имкон бўлса этган ҳимоя.

Умрдир бу, чакмокдек кескир,
Шиддатида бўронлар доғда.
Арслон келбат журъатимизни,
Алдаб кесган муғомбир, содда.

Окизамиз гулдек фурсатни,
Умримизнинг ёмғирларида.
Туташамиз, сўзсиз безабон,
Азалият томирларига.



Ичимда дарахтлар гуллаган,
Ичимда барқ урар саодат.
Ғафлатнинг қўйнида ухлаган,
Кўнгилни уйғотар ибодат.

Кўксимда оловдек чарсиллар,
Жавоби топилмас саволим.
Занжирдек бирма-бир тизилар,
Саҳфамга номаи аъмолим.

Олдинда шафқатсиз видо бор,
Дийдор эшиклари чертилар.
Сезаман, ичимда Худо бор,
Руҳимни титратар эпкинлар.

Кўнгилга ишқ битар ҳабибим,
Замондан, макондан олисман.
Зикрга михланган юрагим,
Бандаи ожизман, ожизман.

Ҳисларим конимда югурар,
Шошганча истиғфор айтгани.
Борлиққа янгитдан тонг инар,
Шукрнинг кифтидан тутгани.

Ичимда дарахтлар гуллаган...



Сўзсиз яшолмайман, борлиғимда сўз,
Сувсиз яшолмаган тилла балиқдек.
Сўз менинг дарёим, сўз менга денгиз,
Сўздан ташналигим қонар булоқдек.
Оташим – оловим икки оғиз сўз,
Чақмоқдек ёнарим сўздир бегумон.
Бир нуқта ер билан чилпарчин қилса,
Сўз сабаб руҳ билан бирлашар осмон.
Сўзсиз юкинаман сўзнинг кучига,
Сўзнинг қудратини олдида жимман.
Қудратин олдида бошимни эгиб,
Аслида ҳеч кимман, унга ҳеч кимман.
Сўз бу қадим йўлдир, сўз бу сўқмоқ йўл,
Изидан эргашиб юрар хотира.
Сўзнинг томирида илдиз отар гул,
Бир гул-ки тонг каби маъсум, бокира.
Беришта боғланган мен қадим маҳкум,
Сўзлардан қурилган бино ичига.
Ҳар лаҳза таслиму гоҳ ғолиб бўлиб,
Ҳар куни яшайман сўзнинг ичида.
Борар манзилим сўз, қароргоҳим сўз,
Аввал-у охирым сўздир, каломдир.
Осмондек дилимга ажр ўрнида
Худонинг бергани ёрлиқдир, шондир.
Сўзсиз яшолмайман сувсиз балиқдек.



Яратганнинг қаршисида жим,
Ибодатга чорлар мени ишқ.
Охангингга дурдай тизилдим,
Қадим дунё, навқирон қўшиқ.

Ибодатга чорлар мени ишқ,
Харир кўйлак кияр хаёллар.
Кафтларимнинг ораларидан,
Худо сари учар дуолар.

Осмон менга қайтариб берар,
Ижобатин тилакларимни.
Кўнглим мамнун, жилмайиб кияр,
Хайратларнинг кўйлакларини.

Бетиним оқади денгизлар,
Бетиним чопади юлдузлар,
Кўнглимда хайратлар илдизлар,
Бугундан эртага садо бор.

Бир буюк даргоҳга ховлиқар,
Кўнглим деворига гул такар,
Ифори жонимга хуш ёкар,
Ичимда чиройли дуо бор.

Дилимнинг энг ёруғ истаги,
Ишончи, суянчи, тиргаги,
Юксакдан юксакнинг юксаги,
Менинг борлигимда Худо бор.



Изингни хисларда қолдиргин,
Хиссингни изларда қолдиргин,
Барчасин сўзларда қолдиргин,
Тафаккур наззора айласанг.

Ажр бил, ичиб ишқ гулобин,
Раво бил ҳақиқат офтобин,
Ўқиб ук кўнгилнинг китобин,
Тафаккур наззора айласанг.

Денгизда борғувчи оқимсан,
Моҳтобдан ёрқинсан, ойдинсан,
Худога нақадар яқинсан,
Тафаккур наззора айласанг.

Ақлингга этганча итоат,
Рухингда уйғотгин ибодат,
Гул очиб, бўй берар саодат,
Тафаккур наззора айласанг.



Нихоят уйғонар кечиккан туйғу,
Қор аралаш ёмғир, тилсиз соябон.
Забун у, жимжит у, жуда сокин у,
Ҳорғин у, ғамгин у, вазмин, безабон.

Ҳар бир томиримда уйғонар ҳаёт,
Ҳар битта ҳужайрам ҳайратдан дарак.
Қадрни бахт билган дил эса осмон,
Вақт эса тандаги қондек югурик.

Ичимда бир оппок ёруғлик бордек,
Сезаман яшашнинг оғир юкини.
Бир шариф, муқаддас, мунаввар тонгдек,
Рухимни ёндираб бахтнинг учқуни.



Қисмат соясини бағрида тутган,
Видога суянчик тоғлар қулайди.
Юрак деворига чирмашиб кетган,
Менинг боғчамдаги аҳдлар гуллайди.

Қўксимга жон қуяр гулнинг нафаси,
Мағрур сояларга эргашар ғурур.
О, ишқнинг пўлатдек чўян кафаси,
Мени банди қилар сен юборган нур.

Қамашган кўзарим чакмоқдек ёнар,
Зулматни ёритар қорачиқларим.
Қакраган кўнгилда хайрат уйғонар,
Меҳр ёғдусига инар охларим.

Қафасда юксалиб бораман кара,
Қафасни ёради руҳимдаги шахд.
Оловқалб рашкларим ёндириб яна,
Қўлларимдан тутар мен кутмаган бахт.



Юрак энтикади соғинч ҳиссидан,
Хаёлан кўради ишқ рангларини.
Тинглабон дил борар кадр изидан,
Биринчи муҳаббат оҳангларини.

Йиллар армонининг жангида ғолиб,
Бир митти юлдуздек ярқ этар шуур.
Қандоқ севмоқликни дилдан тан олиб,
Яшамоқ завқини кўрсатади нур.

Бу буюк ишқ эрур, бу ватан ишқи,
Бу юрт севгисидир, бу халққа меҳр.
Бу севги, бу меҳр тафтида ёниб,
Ўзи буюк шеърга айланар шоир.



Мен сизга мактублар ёзгим келяпти,
Умиднинг йўлидан узоқ одамлар.
Шукрни унутиб қўйгани учун-
Йўллари тиканли, тузоқ одамлар.

Мен сизга мактублар ёзгим келяпти,
Армон маҳалласин кезган одамлар.
Соғинчнинг расмини кўксига тақиб,
Дийдордан илинжин узган одамлар.

Мен сизга мактублар ёзгим келяпти,
Юраги муздан-да муздан одамлар.
Орзу соясида қолиб кетганча,
Сабр уммонида сузган одамлар.

Мен сизга мактублар ёзгим келяпти,
Ёзсам, ўқисангиз хайратга ботиб.
Сиздан куч олганча ёнсам қанийди,
Яшардим ўзимни бахтларга отиб.



Кушларнинг тилидан ёғилар дуо,
Хастаҳол руҳимга инар ҳидоят.
Кўксимга жойлашиб беради садо,
Ҳақдан юрагимга юкингач оят.

Гулбаргдек тўкилар хотираларим,
Умрнинг ям-яшил саҳифасига.
Китобдай ўқийсиз азизим мени,
Умрингизнинг азиз дақиқасида.

Сўз юки эзади, ёмон эзади,
Инграниб нажотга илҳақ ўламан.
Ҳайратим денгизнинг тинчин бузади,
Сохилни тан олмас тўфон бўламан.

Хастаҳол жонимни тутиб ўтаман,
Тушларнинг оромбахш лаҳзаларидан.
Кириб чиқавериб абадиятга,
Жон қушим учади дарчаларимдан.

Охири ҳаммаси тамом бўлади,
Бир буюк иморат қулайди мана.
Нихоят гуллаган хотираларим,
Мезонга айланиб учар кўк ора.



Майли, сенга қўлим етмасин,
Бормоқ истай, йўлим етмасин,
Озорланган ярам битмасин,
Кўнглим етсин дийдорингга, ишқ.

Осмонингга бахт бўлиб учай,
Жон хузурин жонимлаб кечай,
Эшигинг жон ҳовучлаб очай,
Кўнглим етсин дийдорингга, ишқ.

Излаганим, хайратим сенда,
Мукофотим, рағбатим сенда,
Аслиятим, ғайратим сенда,
Кўнглим етсин дийдорингга, ишқ.

Топганимдан йўқотганим мўл,
Ниҳоясиз, энг залворли йўл,
Энг маъсума, энг ифорли гул,
Кўнглим етсин дийдорингга, ишқ.



Ичим куйиб кетди мени, Художон,
Ўзингдан ўзгаси кўрмади кулим.
Менинг ичим осмон, маконим осмон,
Осмондан ер қадар бўлди манзилим.

Ичим тўлиб кетди ахир, Художон,
Ичимга жойладим тўртта фаслни.
Бу юкни кўтармоқ бўлмади осон,
Нигоҳларим чизди сирли расмни.

Кўнглим ёниб кетди мени, Художон,
Сукутнинг оловранг хотиротида.
Кулгимни кўрсатиб йиғладим ёмон,
Уйқуга айлангач гулнинг ёдида.



Сўзнинг юки билан юксалади нур,
Ишончдан куч олар чалажон кадрим.
Ўзлимга соя ташлайди андух,
Соғинч тўлкинида тўлғонар дардим.

Музда томир отар менинг юрагим,
Баҳор эркатои бойчечак бўлиб.
Кўнглимни бир соҳир ишққа белагум,
Аллага интизор келинчак бўлиб.

Бағрига боладек чопиб бораман,
Бир ёниқ, бир илиқ дийдор чорлайди.
Уфкига қуёшдек ботиб қоламан,
Уфқда қуёшмас, юрак порлайди.



Нури илоҳийдан ризқланар умрим,
Нури илоҳийдан юксалар дилим,
Нури илоҳийга боргувчи йўлим,
Менинг аъмолимга битилган ҳаёт.

Нигоҳим борини тикар фалакка,
Ҳидоят гулини экар юракка,
Шаънимни михлайди фақат юксакка,
Менинг аъмолимга битилган ҳаёт.

Кафтимдан сув ичар бир ажиб дунё,
Жисмимда жон кечар бир ажиб дунё,
Теграмда тўн ечар бир ажиб дунё,
Менинг аъмолимга битилган ҳаёт.

Кўз кўрар, дил англари рутубатларни,
Ҳақ учун жанг қилган укубатларни,
Офият билади кечган дардларни,
Менинг аъмолимга битилган ҳаёт.



Чанқоғимни босгум ҳаводан,
Бор вужудим бир ўтлик нафас.
Дил юксалиб борар хатодан,
Осмон паст-у қўлларим етмас.

Писанд этмас шамолни чечак,
Ўжарлигин ерга қилади.
Ердан олиб бору йўғини,
Яна ерга қайтиб беради.

Сароб билан аврайди дунё,
Этагимга илашади хас.
Гул умримнинг капалаклари,
Оний куннинг шартига кўнмас.

Бу дунёнинг тилсимга кўра,
Эшикларин занжири оғир.
Нафасимдан эхтирос гуллар,
Нигоҳимга беркитганча сир.

Чанқоғимни босгум ҳаводан,
Хас илашар этакларимга.
Шунча ғамдан юксалган дилим-
Айлансайдим эртакларингга.



Ичида кенг дунё ётар, биламан,
Ичида гунг дунё ётар, биламан,
Саҳифасин чанглар ютар биламан,
Мен ўқишим керак бўлган китобни.

Бағри узра йиғлаб ётар кадрлар,
Саодатга йўғрилмишдир сатрлар,
Саҳфа номин китоб этмиш сабрлар,
Мен ўқишим керак бўлган китобни.

Он оралаб даври-даврон ўтяпти,
Ишқ дарди-ла доғи хижрон ўтяпти,
Лек мен эмас, фаришталар битяпти,
Мен ёзишим керак бўлган китобни.



Менга раҳм қилманг, менга ачинманг,
Мендан ишқ сўраманг, азизим.
Мен сизга ҳеч нарса бера олмайман,
Яратган Эгамдан берилмай изн.

Сиз парво айламанг кўз ёшларимга,
Уни тўкмок одат, бу турмуш тарзим.
Мен шундай яшашга ўрганиб кетдим,
Ўзимга ўзимдан ортмай, азизим.

Турмуш аравасин тортсанг силжийди,
Қаттиқроқ тортмасанг тураверар жим.
Сиздан қолган оғриқ олдида у не,
Мен сиздан кучлиман, кучли, азизим!



Дил борлигин аллалайди турфа ранглар,
Ҳар лаҳзада ҳар заррадан бунёд оташ.
Бунчалар ҳам оғир экан кўп нарсани,
Сезиб туриб сезмасликка олиб яшаш.

Ҳар ўйчининг таваккали Ҳаққа етар,
Ҳар ўйчининг руҳияти Ҳаққа туташ.
Бунчалар ҳам оғир экан оз фурсатда,
Минг бир ҳолат, мингта кўйга тушиб яшаш.

Изтиробинг шамолларга совурасан,
Юрагинг ғор, ҳар қатига сиғар бардош.
Бунчалар ҳам оғир экан бу дунёда,
Одам деган номга лойиқ бўлиб яшаш.



ҲАЙРАТНИНГ КАФТИДАН СУВ ИЧДИ КЎНГИЛ

Шакллар ўзгариб кетди бирпасда,
Бир зумда тўкилиб кетди умидлар.
Ёлғонлар айланиб қолдилар ростга,
Сукунат қўйнида сузди булутлар.

Жимлик ўпқонига тутилди руҳим,
Ҳайратнинг кафтидан сув ичди кўнгил.
Камалак ортидан югуриб кетдим,
Ортимда йўл қолди, илон изи йўл.

Хуууув йилларнинг бағрида,
Тошдек қотган сабрим бор.
Тош остига кўмилиб,
Чиримаган қадрим бор.

Дийдам совуб, музлаган,
Аммо, тупроқ чизмаган,
Ўзлигини излаган,
Дарди юксак қалбим бор.



Дил борлигин аллалайди турфа ранглар,
Хар лахзада ҳар заррадан бунёд оташ.
Бунчалар ҳам оғир экан кўп нарсани,
Сезиб туриб сезмасликка олиб яшаш.

Ҳар ўйчининг таваккали Ҳаққа етар,
Ҳар ўйчининг руҳияти Ҳаққа туташ.
Бунчалар ҳам оғир экан оз фурсатда,
Минг бир ҳолат, мингта кўйга тушиб яшаш.

Изтиробинг шамолларга совурасан,
Юрагинг ғор, ҳар қатига сиғар бардош.
Бунчалар ҳам оғир экан бу дунёда,
Одам деган номга лойиқ бўлиб яшаш.



ҲАЙРАТНИНГ КАФТИДАН СУВ ИЧДИ КЎНГИЛ

Шакллар ўзгариб кетди бирпасда,
Бир зумда тўкилиб кетди умидлар.
Ёлғонлар айланиб қолдилар ростга,
Сукунат кўйнида сузди булутлар.

Жимлик ўпқонига тутилди рухим,
Ҳайратнинг кафтидан сув ичди кўнгил.
Камалак ортидан югуриб кетдим,
Ортимда йўл қолди, илон изи йўл.

Хуууув йилларнинг бағрида,
Тошдек қотган сабрим бор.
Тош остига кўмилиб,
Чиримаган кадрим бор.

Дийдам совуб, музлаган,
Аммо, тупрок чизмаган,
Ўзлигини излаган,
Дарди юксак қалбим бор.



Нега менда буюк ишк бор, ишкқа лойик журъат йўк?
Дийдор сари кадам қўйсам товонларим куяди.
Меним ишқими эгасининг қудратига таъриф йўк,
Таъриф излаб юрагимнинг деворлари нурайди.

Менда буюк қаноат бор, менда буюк сабр бор,
Синоатлар синовидан йиллар тўзим тилайди.
Борлиғимни ёритгувчи шамс-ул анвор меҳр бор,
Ул меҳрнинг булоғидан буюк дарахт гуллайди.

Бир ишк сабаб, сабр сабаб тийнатимда буюклик,
Жоним аро боқиб турар буюк ишқнинг мохтоби.
Жон- жонимга юкинади яшаш деган оғир юк,
Оғирликка барҳам берар мен ичган ишк гулоби.



Менга азиз дийдорнинг исми,
Бу исмни севгим қўйдим.
Ўқиб чиқиб ҳар битта қисмин,
Бир қисмини дунёга ёйдим.

Мен дунёга дийдор илиндим,
Соғинч олиб кетди боримни.
Шаддод шамол учириб кетди,
Унга атаб қўйган номимни.

Хотирамни китобдай титиб,
Насимларга алдандим жим-жим.
Яширгандим сочилиб кетди,
Қучоғимда асраганларим.

Не қилмоққа ожизман- ожиз,
Икки кафтим қотган самода.
Вужудимга мумдек сингир хис,
Илинж олиб келгач шаббода.



Истасангиз узоқ манзилдан,
Юринг бирга олиб кетаман.
Рухингизга сабр гулидан,
Йўл- йўлакай уруғ экаман.

Саробларга ишонмайсиз йўқ,
Алдансангиз тамом бўласиз.
Қўлларимдан тутган азиз дўст,
Тош йўлларда бирга куламиз.

Биз ўтамиз баланд тоғлардан,
Чўқкиларда нурга етамиз.
Бу чўккининг бургутлари бор,
Нигохлари теран ва тенгсиз.

Узоқларда бахт бор, беҳишт бор,
Сизиб оқар жаннат булоғи.
Бошимизга соябон бўлар,
Матонатдек рухнинг хамроҳи.

Юринг, эй дўст бирга кетамиз,
Риёси йўқ чин манзилотга.
Кўнглимизни айлаганча шод,
Эш бўламиз кўҳна саботга.



КЎКСИМДА ДАРАХТГА АЙЛАНАДИ ДАРД

Гулгун давраларга боргим келмайди,
Тиконлар кучоқлар товонларимни.
Қайтариб олмоққа кучим етмайди,
Ҳаё тортиб олган имконларимни.

Ўзин кўз-кўз айлаб турар тириклик,
Ҳайрат деган қирмиз гулоб ичинда.
Тобора комига тортар биқиклик,
Ҳасрат деган қаро тупроқ ичинда.

Икки манзил аро овора бу дил,
Ё ҳасрат борсинми, ё ҳайрат борсин?
Ё ҳайрат гулидай яшнасин гулгун,
Ё ҳасрат ўтида чарсиллаб ёнсин.

Айтинг, нима қилай, бу олам аро,
Гулгун давралардан қандай топай бахт?
Кўркманг, фараҳингиз бузмасман асло,
Кўксимда дарахтга айланади дард.



Қаҳр мевасидек музладим,
Ўзимни қадрдан изладим,
Сабр шевасида сўзладим,
Биров англамади.

Бир ҳовуч сабрда сийратим,
Ишқсизлар кўлида йиғладим,
Қушларнинг тилида сайрадим,
Биров англамади.

Рухим-ей бир оғир дард чекди,
Бахт бермас баҳорлар кечикди,
Жоним-ей баҳорга ичикди,
Биров англамади.

Унгандим, меҳрнинг гулида,
Майсалар шивири, тилида,
Қақшадим тиканнинг кўлида,
Биров англамади.

Борлигини уқдим умиднинг,
Эшигини чертдим умиднинг,
Уруғини экдим умиднинг,
Биров англамади.



Аламлар тафтида куймайман,
Чирмовук тўсади йўлимни.
Ҳаммадан қизғаниб, тўймайман,
Яримта дарди бор кўнглимни.

Исмингни ёзади товоним,
Безабон, саҳройи қумларга.
Севгимни жим ташлаб кетаман,
Кимлигин билмаган “ким”ларга.

Истасанг мен сенга бераман,
Гул тутган энг тоза умримни.
Уялиб кетаман сен эмас,
Шамоллар сўрайди қўлимни.

Бу оқшом тиланиб тўймайман,
Дард тўла кўнглимга тафт сўраб.
Лайлакқор тусида ёғилар,
Оқ ойдин изтироб, изтироб.



Кўнглим осмон эди, хув ўша осмон,
Бағрини бахш этган лочинларига.
Қирмизи гулобдай тўкилдим ишон,
Маҳзун лаҳзаларнинг гулгун бағрига.

Эртамнинг кўксини илитди офтоб,
Қоронғу тийнатим ёритди офтоб,
Бу қайсар руҳимнинг йўллари узра,
Музлар қаҳқашонин аритди офтоб.

Яшамоқ завқидан уйғонди юрак,
Яшамоқ дардида тўлғонди юрак.
Залворли юкини армонга ортиб,
Ҳақ сари бормокни тан олди юрак.

Кўнглим осмон эди, эҳ, бир замонлар,
Сорларга бағрини жим тутиб берган.
Йиллар элагида эланган онлар,
Бугун фаромушлик комига кетган.



ИЛИНЖЛАР ГУЛЛАДИ ПОЙИМДА

Уфқнинг ортига нур ботди,
Қуёш ҳеч кулмади, кулмади.
Соғинчлар қалбимни уйғотди,
Лайлаққор тинмади, тинмади.

Яшириб тўлғонди ҳиссимни,
Сўрашди, айтмади исмимни,
Бир улуғ айлабон ризқимни,
Лайлаққор тинмади, тинмади.

Аламлар, армонлар кўйида,
Бир олам умидлар кўйида,
Илинжлар гуллади пойимда,
Лайлаққор тинмади, тинмади.

Бир улуғ туйғуни илғадим,
Ич- ичдан ўртаниб йиғладим,
Энг ёруғ тилаклар тиладим,
Лайлаққор тинмади, тинмади.



Нафасингда ҳеч ким сезмас нур изи бор,
Аразингда райҳонларнинг хуш иси бор.
Саловотлар айтгим келар такрор- такрор,
Гулдек нафис сийрат берган Худойимга.

Қадамимни юрагингга ташламайман,
Дахлизиди, йўлагиди яшамайман.
Ташаккурлар айтиб сира чарчамайман,
Тошдек метин юрак берган Худойимга.

Гул кўнглимнинг эмасдирсан бегонаси,
Ўзидан-да азиз бўлган кўз қораси.
Шукронамнинг туганмасдир чегараси,
Ҳавас тўла хайрат берган Худойимга.

Вужуд илҳак...Шафак аро отар тонгим,
Борлиғимда кадр илдиз отар сокин.
Сажда қилсам, икки умрим етармикин,
Шундай азиз суврат берган Худойимга.



ТУҒИЛИШ

Бир кўшиқ садоси тутар оламни,
Бир садо дардида куяр хаёллар.
Мавжуд эканлигин англатмоқ учун-
Ўзидан ўзини излар саволлар.

Туғилмоқ аслида саодат ва бахт,
Ҳаётнинг бешафқат шартлари оғир.
О, менинг кўксимда бўй чўзган дарахт,
Сенинг соянг билан яшайман мағрур.

Йиқилиб кетмайман, агар йиқилсам,
Мени суягувчи тоғлар ҳақиқат.
Мен шу қояларнинг мағрур қизиман-
Шуни англамоқнинг ўзи катта бахт.

Яшамоқлик шараф, яшамоқ жазо,
Шукр, қўлларида маҳкам тутмоқлик.
Шартларни бажариб ё ёлиб бўлиб,
Ёки мағлубликни байрам қилмоқлик.



Ёмғирдек тўкилар умидлар,
Ховучингни оч-у тутиб қол.
Англамайсан, кўксингда гуллар,
Садаф каби бир ховуч ашъор.

Англамайсан, гўл-у гумроҳсан,
Мусофирсан, телба ҳамроҳсан.
Пешонамга битган гуноҳсан,
Эй, кўнглимнинг маҳзани инсон.

Гул танлар, ўзгача иффор танлайди,
Дунё бўстонида жон ҳалакларим.
Ўзини хур санар, малак санайди,
Кўнглим гулзорининг капалаклари.

Ҳақдан ишқ сўрайди, ошиқлик бахти,
Жонига сингиган ипак ранглари.
Ишқ ила бокира, масрур яшайди,
Кўнглим гулзорининг капалаклари.



Куёшда тобланган мумдек эригум,
Эшик тутқичига михланар нигоҳ.
Соҳир тушларингга бахт бўлиб киргум,
“Чўли Ироқ” бўлиб, гоҳ бўлиб “Сегоҳ”.

Уйғон, ўзинг эса уйқудан уйғот,
Ғафлат қўйнидаги ғофил зотларни.
Уларга ишончнинг гулларини от,
Юрагига қуйгин саловатларни.

Шукр дарахтига саховат қўнар,
Зикр янграр кушлар шеваларидан.
Ҳикматга коришиқ улуғ ризқ унар,
Сабр дарахтининг меваларидан.

Саволлар бирма-бир тугунин ечар,
Бир- бир фош бўлади хатолар сири.
Бирга юксаламиз осмонга қадар,
Бизни кутиб турар бахтнинг манзили.



Тушлар ёғдусига иниб кетди тун,
Хайрат манзилига туташ бўлди ишк.
Тийнатишга ўтдек туташди афсун,
Гўзал ёниш бўлди, бир гўзал ёниш...

Таъқиқларни бузиб хайқирдим чиндан,
Соҳилни тан олмас денгиз бўлдим мен.
Синик кулгуларим сачраган дилдан,
Чўли Ирок бўлиб уйғондим сокин.

Ҳеч қачон мен билан ҳисоблашмади,
Ҳазин ҳазонларга мутлоқ ҳоким куз.
Менга изн бермай, имкон бермайин,
Ичимга туйғулар ҳоким тўкди сўз.

Тушлар ёғдусига
сингиб кетдим жим...

МУНДАРИЖА

Орзуманд кўнгил шеърлари.....	3
Сизни соғинишни яхши кўраман.....	4
Шамоллар эртагин битдим.....	5
Сабрнинг косаси.....	6
Тақдиримга шунчалар туташ.....	7
Томчилардан гул бўлади.....	8
Юрагимга раҳмингиз келсин.....	9
Юраги денгизман.....	10
Лахзаларим ёнар сукутда.....	11
Мени тилаб олган.....	12
Асрорларга кўмдим.....	13
Кўнглим.....	14
Таранглашиб боради.....	15
Сўнгги нафас елади бесас.....	16
Сенга кун туғса-ю.....	17
Тушларимда.....	18
Гуноҳлар қўшилар.....	19
Осмонларга кўтариб учсам.....	20
Сўраманг.....	20
Ниғоҳим айбини.....	21
Капалакка уриб кетар гулнинг хусни.....	22
Умримни лахзалар.....	23
Кўзимнинг ёшига арзимаган ёр.....	24
Куннинг танчасида.....	25
Ватан хақида шеър.....	26
Мен кетаман.....	27
Синдим.....	28
Кўзимга суртолсам.....	28
Кўхна кечмишларни.....	29
Юрагим ёнмоқда.....	29
Бу қисматнинг кўчалари тор.....	30
Ўзингиздай баланд.....	31
Йўкламайди.....	32
Бу кўнгилнинг кўргилиги.....	33
Муҳаббат.....	34
Сен кетган йўл олис.....	35
Йиллар.....	36

Сиз кетдингиз.....	37
Хаёлимдан.....	37
Вужудимни ловуллаиб.....	38
Ўтасиз.....	39
Вужудимни иймонларга кўмган ватан.....	40
Ишк томирга пайванд.....	41
Атрофим сап-сарик.....	42
Дилингизни аллалаган.....	43
Умидимни кутгайдирман.....	44
Кўнгилдошларим.....	45
Тошлар ўсиб.....	46
Азизим.....	47
Юрагимни ўзанидан.....	48
Онамга.....	49
Қандок яхши.....	50
Аламлар кетди-я.....	51
Сиз ўша.....	52
Кўнгил.....	52
Чакмоқлари кескир.....	53
Ҳисларимдан уйғонади.....	54
Юрагимни бинафшага бергим келди.....	55
Илинжларим ерга урар.....	56
Дўстим.....	57
Оловли кунлар.....	57
Исмим.....	58
Ҳазрати аёл.....	59
Ёлғизлик.....	60
Сизга биров бўламан.....	60
Улғайдим.....	61
Кўнглимиз.....	62
Ай дўстижон.....	63
Кўзимнинг ёшига.....	64
Армон ҳақида шеър.....	65
Нетай, сенда соғинчим қолди.....	66
Иккимиз.....	67
Кўнгилнинг кўчаси.....	67
Қайсидир гўшада.....	68
Тиз чўкмайман.....	68
Сизни асрасин.....	69

Дунёлардан кетади кўнглим.....	70
Бегим.....	71
Умид ҳақида шеър.....	72
Гул жисмимни.....	73
Кўналға дил.....	74
Асир бўлиб оқ тилакларга.....	75
Кўнглим суйсанг.....	76
Қисмат.....	77
Ким сув сепса.....	78
Дунёларга кўнгил қўйган дўст.....	79
Дунёлар губорли.....	80
Ўн саккизга кирган қиз.....	81
Кўнгил баҳорни сўроқлар.....	82
Чин севги.....	83
Ўзбек аёлига.....	84
Кўрғоним бор.....	85
Кадр деб.....	86
Сенсизликда.....	87
Дардим билан.....	88
Тўртликлар.....	89
Кўлларингдан ичган сувим.....	91
Кундан кунга узаяди.....	92
Ҳайратим ичимда.....	93
Алла.....	94
Ҳайр бордир.....	95
Дил кўзгусин.....	96
Дил оғрикдан.....	97
Армон билан.....	98
Ғурур осмон.....	99
Яхши дўстнинг дийдори.....	100
Кўнглингизни эзгулик.....	101
Кенг дунёлар.....	102
Кенг дунёнинг торлигин.....	103
Барчасини умиддан бошланг.....	104
Умидларинг осмонингда.....	105
Ҳаёлингиз.....	106
Йиқилсам ушловчи тиргагим.....	106
Мактублар соғинчи.....	107
Гўзалсиз дейишди.....	108
Ажаб савдолар.....	108

Мард кам, дединг.....	109
Товонимни қонатди.....	110
Одамлар.....	111
Мен жуда ўжарман.....	112
Сенга илингандим.....	113
Йиллар мени.....	114
Умид кўксим ичра.....	115
Кимнингдир ёдига.....	116
Атиргул ифори.....	117
Сиз беморсиз.....	118
Юрагим остида.....	119
Оймоможон.....	120
Эшигида музлаб.....	121
Йилларнинг қўлида.....	122
Кузда менинг хотиротимда.....	122
Юзимга.....	123
Қалби гўё уммонга ўхшар.....	123
Менинг учун.....	124
Кўхна озорлардан.....	125
Кўнглим осмон эди.....	126
Учирамиз фурсатни гулдек.....	127
Ичимда дарахт гуллаган.....	128
Сўзсиз яшолмайман.....	129
Яратганининг қаршисида жим.....	130
Бетиним оқади денгизлар.....	130
Изингни ҳисларда қолдиргин.....	131
Нихоят уйғонар.....	132
Қисмат соясини.....	133
Юрак энтикади.....	134
Мен сизга мактублар.....	135
Қушларнинг тилидан.....	136
Майли, сенга қўлим етмасин.....	137
Ичим куйиб кетди.....	138
Сўзнинг юки билан.....	139
Нури илохийдан.....	140
Чанқоғимни босгум.....	141
Ичида кенг дунёлар ётар.....	142
Менга раҳм қилманг.....	143
Дил борлигин аллалайди.....	144

Хайратнинг кафтидан.....	145
Йиллар.....	146
Нега менга.....	146
Менга азиз дийдорнинг исми.....	147
Истасангиз узоқ манзилдан.....	148
Кўксимда.....	149
Қахр мевасидек.....	150
Аламлар тафтида.....	151
Кўнглим осмон эди.....	152
Илинжлар гуллади пойимда.....	153
Нафасингда.....	154
Туғилиш.....	155
Ёмғирдек тўкилар умидлар.....	156
Гул танлар.....	156
Қуёшда тобланган.....	157
Бир гўзал ёниш.....	158

Адабий – бадиий нашр

Дилфуза ҚОСИМОВА

БИР ГЎЗАЛ ЁНИШ

Шеърлар

Мухаррир:

Ш. Қаландарова

Техник муҳаррир:

Т. Тангрибергенов

Саҳифаловчи дизайнер:

Ф. Болтаев

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 6730-сонли ТАСДИҚНОМА берилган.

2021 йилнинг 6 октябридан босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108¹/₁₆. Ҳажми – 10,25 босма табоқ.

Адади - 100 дона. Буюртма № 34

Баҳоси келишилган нархда.

“Огаҳий” нашриётида тайёрланди.

Манзил: Урганч шаҳри Ал-Хоразмий кўчаси 23-уй,

Тел: (+99893) 749 72 66

Е –mail: shoirashams12@gmail.com

“Горизонт пресс” оилавий корхонаси
босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Урганч шаҳри, Файёзов кўчаси, 2/3 уй

